

МУСУЛМОНГА ЯРАШИҚЛИ ХУЛҚ



Сабр-тоқатли, оғир, босиқ бўлиш мусулмонга ярашиқли гўзал хулқлардандир. Сўфи Оллоҳёр айтадилар:

**Кел, э инсон, агар бўлсанг чин эрдек,
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.**

Дарҳақиқат, оғирликка, вазминликка ердан кўра хосу мосроқ тимсол бўлмаса керак. Тоғу тошлар, зил юклар устини босса ҳам, жойидан жилмай, чўкиб кетмай, ўрнида барқарор. Бағри кенгликда, саховатда ибрат. Илоҳий амрга итоат этиб, инсонларга, барча махлуқотга маскан бўлган, сабзавот ва меваларидан барчани баҳраманд этган. Хизмати холис, беминнат, унда на гурур бор, на кибр.

Аммо ерни жонсиз деб хорласак, озорласак, сийнасига доғ солсак, қон сачратсак, охири ўзимизга ёмон бўлиши аниқ. Ер ўз бағридаги “юк”ларини юзига чиқариб ташлайдиган кун келади. Ана ўша кунда гувоҳ бўлган воқеаларни сўзлаш учун тилга киради. Ҳадиси шариф мазмунига кўра, инсонлар унинг устида қилган барча амалларни Аллоҳ таоло ҳузурда сўзлаб, гувоҳлик беради.

Босган ҳар бир қадамимиз учун жавоб берадиган, қилмишларимизнинг натижасини кўрадиган кун келишини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Яна бир хавфни билиб қўйиш керак: қабр азоби борлиги барҳақ. Агар ерни жабрлаган, устида туғёнга кетган ва ҳаддан ошган бўлсак, бу азоб шиддатлироқ бўлиши муқаррар!

Демак, ерни эъозлаш, зиммадаги ҳақини адо этиш вожиб. Уни хор қилсак, ўзимизга зулм бўлиши турган гап. Чунки аслимиз ердан, ҳаётимиз ер билан, охири ерга қўшилиамиз.

**Отанг ердур, сан ҳам
ердек қилиқ қил,**

**Ёмонлик айлаганга
яхшилиқ қил.**

“Ёмонлик айлаганга яхшилиқ қил” деган панд замирида эзгу ният мужассам. Шояд бу яхшилиқ тавфиққа сабаб бўлиб, ёмон ки-

шига хулқини ислоҳ қилишида, тўғри йўлга киришида ёрдам берса. Золим ҳам холис ёрдамга муҳтож, зулмини тўхтатишга эриша олсанг, унга катта яхшилиқ қилган бўласан.

Эътироф қилиш керак, ҳозирги яхшиларнинг аксарияти ёмондан йироқ юришни, лоқайдлик ва бетарафликни афзал билишади, ёмонлик қилганларга яхшилиқ қилиш у ёқда турсин, улардан юз ўгириб, ҳатто уларга адоват йўлига ўтишади. Бир жоҳилдан азият етса, у билан тенг олишадиганлар бор. Бу эса жоҳиллар сафи яна бир кишига кўпайди дегани эмасми?

“Отанг ердур, сан ҳам ердек қилиқ қил”. Феълимиз нега ердек эмас? Асли ер бўлган Одам отанинг фарзанди бўлатуриб, нега отамизга ўхшамаймиз? Боланинг отага ўхшамаслиги (сийрати назарда тутилмоқда) яхши аломат эмас...

Ёмонликка жавобан яхшилиқ қилиш дейилганида ношойиста феълни тузатиш, хулқни гўзаллаштиришни тушуниш лозим. Шу боис Сўфи Оллоҳёр ҳазратлари сабр-тоқатли, жоннисор бўлиш зарурлигини таъкидлайди. Бунинг учун собит имон-этиқод, мустаҳкам ирода, жавонмардлик керак, бошқаларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилиш керак. Кибрни камтарлик тиғи билан синдириш, жаҳлни илму ҳилм қуввати ила маҳв этиш, адоватни мадора билан даф қилиш зарур.

Инсон риёзат чекачека комиллик касб этади, машаққатлар оловида тобланади. Хорланган, қадри топталган кезларда додланмай, азиятларга чидай олган кишигина пировард натижада азизликка мушарраф бўлади.

Фозил ЗОҲИД



ИФФАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Исро сурасининг 32-ояти мазмуни бундай: “**Зинога яқинлашманг! Чунки у ҳаддан ўтган гуноҳдир, ҳалокатга етказувчи йўлдир**”.

Халқимиз зинони бузуқлик дейди. Бузуқлик йўлини тутган бирор кимса инсоният тарихида омон қолмаган. Бузуқлик қилган фақат ўзигагина эмас, балки атрофидагиларга ҳам бало келишига сабабчи бўлади. Бу нарса ҳадиси шарифларда баён қилинган.

Иффат инсонни бузуқликдан тўсувчи хислатдир. Иффатни “номус” ҳам дейишади. Иффатли инсон кўзига ва сўзига ҳоким бўлади, бирор кишига ситам етказмайди, хиёнат қилмайди.

Динимиз ҳукмларидан бир қисми иффат ва номус ҳимоясига қаратилгандир.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қиладилар: “Ким Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига имон келтирган бўлса, яхши сўз айтсин, бўлмаса, сўзламасин” (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Исо (алайҳиссалом) айтадилар: “Бегонага бир қарагандан сўнг қайта қарашдан сақланг. Чунки қайта қараш қалбда шаҳват уйғотади. Шаҳват эгасига етарли фитнадир”.

Ҳақим зотлар бундай дейишган:

“Инсонлар фақат ортиқча сўз ва ошиқча мол сабабли ҳалокатга йўлиқишади”.

“Кўзига эрк берган киши ўз ҳалокатини қақиради”.

Ситам фитна кўзгайди. “Фитна уйқудадир. Уни уйғотган унга ем бўлади”, дейиладди ҳадиси шарифда.

“Хиёнат қилган хор бўлади” — бу ҳикмат тарихда неча бор исботини топган ҳикматлардан биридир.

Иффат ана шу ва бошқа балолардан инсонни тўсади. Иффатли бўлайлик. Шунда ўзимиз ва жамиятимиз бало-офатлардан омон бўлади.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Ортиқбек ЮСУПОВ

Нуриддин ҲОШИМОВ

Анвар ТУРСУН

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Абдул Жалил ХҲЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан

ҳамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04

Раҳбари Ўқтам ҳожи Умрзоқ

Фарғона вилояти — 8.373.222-12-38

Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08

Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700021 Тошкент шаҳри

Зарқайнар 18-берк кўча 47-а уй;

Тел: 393-27-00, тел.факс: 160-35-20.

Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz

Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2007 йил 22 майда рухсат берилди. Босмаҳонага 2007 йил 24 майда топширилди. Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 22000 нусха. 78-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Кўлэмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Амри маъруф	
Фозил ЗОҲИД	
Мусулмонга ярашиқли хулқ	1
Таянч нуқта	
Иффатли бўлайлик	2
ЎМИ ҳаёти	
Муҳаммадназар ҚАЙЙУМОВ	
Тажрибалар алмашилди	4
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ	
Шаҳарнинг обод масжидлари	4
Жалолиддин НУРИДДИНОВ	
Мусобақа якунланди	5
Ҳадис шарҳи	
Имом НАВАВИЙ	
Тақво ва гўзал ахлоқ	5
Муносабат	
Абдумутал АБДУХОЛИҚОВ	
Уйимиздан ташқари ҳам бизники	8
Масжидларимиз	
Фулом ЭГАМШУКУР	
“Чоргумбаз” жомеи	9
Дурдона	
Шайх Фаридуддин АТТОР	
“Гумбази гардун таянчи Ҳақ билан...”	14
Тадқиқот	
Аҳмад МУҲАММАД	
Оврупада Ислоҳ	16
Маълумотхона	
Дунёга машҳур масжидлар	21
Шеърят	
Азиз АБДУРАЗЗОҚ	
Машриқдан мағрибгача	22
Шавкат РАҲМОН	
Хаёл	22
Аъзам ЎКТАМ	
Қаноат	23
Равшан ФАЙЗ	
Мажнун	23
Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги	
Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли ИБРАТ	
Фарғона тарихи	24
Тафаккур	
Аҳмад ФОРУҚИЙ	
Яхши амаллар ҳақида	25
Дархона	
Акмал АВАЗ	
Тиб ҳукмлари	26
Мовароуннаҳр уламолари	
Ихтиёр БОБОНАЗАРОВ	
Имом Сарахсий	28
Муштарий илҳоми	
Рисолат АСИЛБОЙ қизи	
Сўнмасин хуррият	29
Тошкент Ислоҳ маданияти пойтахти	
Аббос АҲМАД	
Шайх Хованд Тоҳур мақбараси	31
Болалар саҳифаси	
Ҳорун ЯҲЁ	
Содиқ хизматкорлар	32

Фикҳ

Муҳаммад Шариф ЖУМАН



Савдони бекор қилиш ҳуқуқлари

6

Икки молни бир жойда савдо қилган киши уларни қабул қилиб олмасидан ё бирини қабул қилиб олгач, улардан бирини айб борлигини билса, улардан фақат айбсизини олиши мумкин эмас.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Қуръони каримнинг ноёб нусхаси

Хитойнинг Нинся Хуэй мухтор туманида подшоҳ Мин сулоласи ҳукмронлиги даврида (1368-1644) кўчирилган Қуръони карим нусхаси топилди.

12

Тошкент Ислоҳ маданияти пойтахти

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

ОЛМАЗОРЛИК ИСМОИЛ ҚОРИ

18

Олти молнинг ҳар бири 50 килодан, 300 кило сув ичади. Бу шунча кило гўшт дегани-да, дейди молташир ошна.

“Кўнглимни хира қилманг, — дейдилар ҳақиқатнинг тагига етган, ҳалол ишнинг ҳаромга айланиб қолиши хавфини тушунган отам: — Ҳайданг мошинани, килодан етмаса, пулини тўлаймиз, аммо ҳеч ҳам бундай қилиш керак эмас”.

Адабиёт

Эркин МАЛИК

ИНСОФ

Чўнтагидан телефонини чиқарди. Ким биландир боғланди. Гаплашиб, мошинанинг марказини айтди. Ҳолатини тушунтирди. “Ҳа, хўп” деб бир жойини очди. Кейин яна бояги одамга сим қоқди. У ёқдаги одам бир нарсаларни тушунтирди. Йигит унинг айтганларини қилиб, мошинани ёқди. Ёнмади.

30



МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тажрибалар алмашилди

Халқимиз орасида динимизни ўрганишга қизиқиш кучайгани сари бу борада сўрайдиган саволлари ҳам ортиб бориши табиий. Шу талабни қондириш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тажрибали имом-хатибларни жойларга жума намозларини ўқиб бериш учун юбормоқда. Яқинда пойтахтдан бир гуруҳ имом-хатиблар Фарғона вилоятида бўлишди. Жумладан, Раҳматуллоҳ қори Обидов Фарғона шаҳридаги “Қалбичин ота”, Фозил қори Собиров Ёзёвондаги “Қоратепа”, Эргашали Мирзаев Қирғулидаги “Муҳаммад авлиё”, Эргашали Рустамов Бувайдадаги “Сўфи Оллоёр”, Фозил Убайдуллаев Олтиариқдаги “Оқ бўйра”, Каримуллоҳ Иномов Тошлоқдаги “Ибн Умар” жомеъ масжидларида маърузалар қилишди, намозхонлардан тушган саволларга жавоб қайтаришди.

Фойдали тадбир

Вилоят ва туман жомеъ масжиди имом-хатиблари Тошкент Ислом университетида ташкил

этилган ўқув семинарларида қатнашиб, билим ва тажрибаларини ошираётганлари фойдали бўлмоқда.

Ўқув янада у н у м л и р о қ бўлиши мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси кўшимча тадбирлар ишлаб чиқди. Жумладан, вилоятлик имом-хатиблар бир жума куни пойтахтда

ги бир масжидда ҳамкасблари фаолияти, қавмнинг қизиқишлари билан яқиндан танишадилар, намоз олдидан маъруза қилиб берадилар. Яқинда Андижон вилоятидан келган имом-хатиблар Мирзо Улуғбек туманидаги жомеъ масжидлари фаолияти билан танишиб, жума мавъизалари қилиб беришди.

Муҳаммадназар ҚАЙЙУМОВ,

Масжидлар бўлими мудири
ўринбосари

Шаҳарнинг обод масжидлари

27 апрел куни “Қоратош” маҳалла гузаридида ўтган йиғилишда Тошкент шаҳри жомеъ масжидлари имом-хатиблари пойтахтимиз жомелари ҳолатини муҳокама қилишди.

Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар қори Турсун жомеълар ҳаёти, имом-хатиблар фаолияти ҳақида гапириб, энг ибратли масжидлар рўйхатини эълон қилди.

Шайхонтоҳур туманидаги “Эшон Бобоҳон” жомеъ масжиди (имом-хатиби Таваккал Кенжаев) шаҳарнинг энг намунали масжиди деб кўрсатил-

ди (Муқованинг 3-саҳифасига қаранг).

Яна шу тумандаги “Шайх Зайниддин”, “Мунаввар қори”, Чилонзор туманидаги “Собитхон ҳожи”, “Новза”, “Дўмбиробод”, Собир Раҳимов туманидаги “Имом Бухорий”, “Абу Бакр Қаффоли Шоший”, Яккасарой туманидаги “Яккасарой” жомеъ масжидлари шаҳарнинг энг обод масжидлари деб топилди.



Мазкур масжидларда йилнинг ўтган қисқа даврида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилган. Жумладан, “Эшон Бобоҳон” жомеъ масжидида янги таҳоратхона ишга тушди. Масжид мутасаддилари маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишган. Бу ҳудуддаги оилалар тотувлигини мустаҳкамлашда, ёшларни ёмон йўлларга кириб кетишдан асрашда, ҳаётда муносиб ўрин топишларида масжид ходимларининг алоҳида ҳиссалари бор.

Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ

Мусобақа якунланди

11 май куни Тошкент Ислом институтида Ислом ўрта-

махсус билим юртлари битирувчи босқич талабалари ўртасида “Ягона олимпиада” фан мусоқабаларининг якуний босқичи ўтказилди.

Қуръон тиловатидан кейин ЎМИ раиси, муфтий Усмонхон Алимов мусобақани очиб, иштирокчиларни қутлади.

Мусобақа қатнашчилари дастлаб она тилидан диктант ёзишди. Ундан муваффақиятли ўтганлар Қуръон ва фиқҳ, она тили ва адабиёт, Ўзбекистон тарихи, маънавият ва маърифат, араб тилидан тест саволларига жавоб қайтаришди.


Мусобақа якунларига кўра, йигитлар бўйича Бухородаги Мир Араб билим юрти талабаси **Бахтиёр Манзитов биринчи**, Намангандаги “Мулла қирғиз” мадрасаси талабаси **Илёсхон Собитов иккинчи**, “Кўкалдош” билим юрти талабаси **Хусанбой Мақсудов учинчи** ўринларни қўлга киритишди. Аёл-қизлар ўртасида Китобдаги “Хожа Бухорий” билим юрти талабаси **Фазилат Нозимова биринчи**, Бухородаги “Жўйбори Калон” билим юрти талабаси **Гуллола Тиллаева иккинчи**, Тошкентдаги “Хадичаи Кубро” мадрасаси талабаси **Гўзал Аҳметова учинчи** ўринни эгаллашди.

Биринчи ўринни қўлга киритган Бахтиёр Манзитов ва Фазилат Нозимова янги 2007-2008 йилида Тошкент Исломи институтининг биринчи босқичига грант асосида қабул қилинадиган бўлди.

**Жалолиддин
НУРИДДИНОВ,**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим ва кадрлар бўлими мудири

Абу Зарр Гифорий ва Муоз ибн Жабал (розийаллоҳу анҳумо) ривоят қилишади: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: “Қаерда бўлсангиз-да, Аллоҳдан кўрқинг. Ёмон ишнинг орқасидан уни кетказадиган яхшилик қилинг ва инсонларга гўзал ахлоқ билан муомалада бўлинг!” (Термизий, Доримий, Имом Аҳмад ривояти).



ТАҚВО ВА ГЎЗАЛ АХЛОҚ

“Қаерда бўлсангиз-да...”, яъни, одамлар кўз ўнгида ёмон ишлар қилмаганингиз каби улар бўлмаган жойларда ҳам ёмон ишлар қилманг. Инсон ҳар қандай ҳолатда бўлмасин, Аллоҳ таоло унинг қилмишларидан огоҳдир. Буни ёдда тутган киши асло ёмон ишлар қилмайди. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

“Уч кишининг ўзаро шивир-шивирлари бўлса, албатта, У Зот уларнинг тўртинчисидир” (Мужодала, 7).

Мўмин инсон динимиз вожиб этган ишларни адо қилса, қайтарган нарсалардан ўзини тийса, муттақий бўлади.

“Ёмон ишнинг орқасидан уни кетказадиган яхши иш қилинг”, яъни, Аллоҳ таоло амрига бўйсунмай, бир гуноҳ қилиб қўйсангиз, дарҳол тавба қилинг ва уни кетказадиган яхшилик, солиҳ амал қилинг.

Агар шахсга нисбатан ёмонлик қилган бўлсангиз: зулм, туҳмат, гийбат ва ҳоказо қабиҳликлар содир этган бўлсангиз — ундан кечирим сўранг, кўнглини олинг.

Бунинг учун инсон ўз ишларини таҳлил қилиб бориши керак. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сизлар ҳисобга тортилингангиздан олдин (ўзларингизни) ҳисоб-китоб қилинг”, деганлар (Ҳиндий, “Канзул уммон”).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар ва (ҳар бир) жон (Қи-**

ёмат куни) **учун нима** (яъни, қандай эзгу амални) **тақдим этганига қарасин!”** (Ҳашр, 18).

“Инсонларга гўзал ахлоқ билан муомалада бўлинг”. Инсонларга ширин ва мулойим сўзлаш, уларни алдамаслик, сўкмаслик, ҳақларини поймол қилмаслик гўзал хулқдандир.

Бир киши Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) олдиларига келиб: “Ё Расулulloҳ, амалларнинг энг фазилатлиси (афзали) нима?” деб сўраганида, у зот: “Гўзал ахлоқ”, деб жавоб берганлар.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Ахлоқи энг гўзал киши имони мукамал мўминдир. (Мўминларнинг) энг хайрлилари эса аёлларига нисбатан гўзал муомалада бўладиганларидир” (Абу Довуд, Термизий ва Имом Аҳмад ривояти).

Пайғамбар (алайҳиссалом): “Аллоҳ таоло сизга Исломи дин этиб ихтиёр этди. Уни гўзал хулқ ва саховат билан эъзозланг. Чунки Исломи фақат шу икки хислат билан мукамал бўлади”, деганлар.

“Эй Муҳаммад алайҳиссалом, албатта, Сиз улуг хулқ эгасидирсиз!” (Қалам, 4). Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хулқлари Қуръон эди.

(Имом Муҳиддин Закариё ибн Шараф НАВАВИЙ. “Қирқ ҳадис”, “Мовароуннаҳр”, 2005 й., 58-бет).



САВДО

Савдони

бекор қилиш ҳуқуқлари

(«Ҳидоя», «Мухтасарул виқоя», «Қозихон», «Раддул мухтор» ва «Дуррул мухтор» китоблари асосида)*

Ҳар бир киши сотиб олаётган нарсасида айб бўлмаслигини, агар айби бўлса, уни билишини истайди. Шунинг учун сотувчи молнинг айбини айтиб сотиши, яширмаслиги керак. Молнинг айбини яшириб сотиш хиёнат ҳисобланади. Динимиз хиёнатни, унинг ҳар қандай турини ҳаром қилган.

Савдогарлар эътиборида молнинг қийматини оз бўлса-да туширадиган нуқсон ҳамда молни сотиб олишдан кўзланган мақсадга ярамаслик (масалан, кийимнинг катта ё кичик келиши) айб ҳисобланади.

Сотиб олувчи молдаги айбни, сотиб олганидан кейин, неча муддат ўтишидан қатъи назар, билса, уни сотган кишига қайтариб бериб, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Сотиб олувчи бу ҳолда айбли молни сотувчига унинг розилиги ё маҳкама ҳукми билан қайтариб бериши ё айбли молни қийматидан чегирмай келишилган нархда олиб қолиши мумкин. Аммо сотиб олувчи нарсани савдо қилиб, нархига келишилганидан сўнг уни қабул қилиб олмасдан айби борлигини билса, сотувчи рози бўлса-бўлмаса, савдони бекор қилиши мумкин. Айбли молни билмай сотиб олган киши савдони бекор қилишни истаса, молни сотувчининг дўкони ё уйига ташлаб келмаслиги керак, балки унинг қўлига топшириши лозим. Агар сотувчининг қўлига топширмаса, савдо бекор бўлмайди.

Айбли молни сотиб олган киши унинг айбини ўз қўлига ўтгач, унда янги айб пайдо бўлганидан сўнг билса, уни сотувчига (қайтариб олишни истамаса) қайтариб беролмайди, унинг қийматидан эски айбига яраша

қийматини сотувчидан қайтариб олади. Аммо сотувчи уни янги айби билан ҳам қайтариб олишни истаса, уни қайтариб, пулини олиши мумкин. Агар сотиб олувчи, бу ҳолда молни сотувчига қайтариб беришни истамаса, ё унинг ҳаммасини, ёки баъзисини сотиб юборган ё ҳадя қилиб берган бўлса, сотувчидан молнинг эски айбига яраша қийматини қайтариб олиши мумкин эмас.

Айбли молни сотиб олган киши унинг айбини унга ўз моли (масалан, бўёғи, ипи, ёғи) қўшилганидан сўнг (агар ҳайвон бўлса, туққанидан кейин) билса, сотувчи уни қайтариб олишни истаса ҳам, уни қайтариб бериши мумкин эмас. Молнинг айбига яраша қийматини (бу ҳолда уни сотиб юборган бўлса ҳам) сотувчидан қайтариб олади.

Айбли молни қайтариб бериш учун олиб кетаётганида у мол нобуд бўлса, сотувчидан мол учун берган пулни эмас, балки унинг қийматидан айбига яраша миқдорини қайтариб олади.

Қовун, тарвуз, бодринг, тухум ва ёнғоқ каби ейиладиган нарсаларни сотиб олган киши уларни кескач ё чаққач, уларнинг истеъмолга мутлақ яроқсизлиги (яъни, ҳайвонлар ҳам ея олмаслиги) билинса, (бу ҳолда унинг пули сотувчи қўлида омонат ҳисобланади, шунинг учун) улар учун тўлаган пулини сотувчидан қайтариб олади. Чунки фойдаланиб бўлмайдиган нарсани сотиш мумкин эмас. Агар у нарсаларнинг баъзи қисмини истеъмол қилиш мумкин бўлса, уларнинг қийматидан айбига яраша миқдорини сотувчидан қайтариб олади. Аммо мазкур нарсаларнинг айби борлигини билиб (масалан, қовун ва тарвузнинг пишмаганини билиб) кесса ёки ёнғоқни чакса, истеъмолга мутлақ яроқсиз бўлма-

Давоми. Олдинги қисмлар ўтган сонларда.

ганида пулини қайтариб ололмайдди. Зеро, нарсанинг айбини билиб кесиш ё чақиш савдога розилик ҳисобланади.

Ёнғоқ каби ейиладиган нарсалар орасида уч фоизидан кўпи истеъмолга яроқсиз бўлса, уларнинг савдоси савдо ҳисобланмайди. Зеро, фойдаланиш мумкин бўлмаган нарса мол ҳисобланмайди. Ана шундай ҳолдаги нарсани сотиб олган киши сотувчидан пулини қайтариб

олади. Динимизда мол ҳисобланмайдиган нарсани молга қўшиб сотиш мумкин эмас.

Кило ё сифим билан ўлчаб сотиладиган бир идишдаги нарсани сотиб олган киши унинг бир қисми айниганини (айбли эканини) билса,

унинг фақат айниганини қайтариб бериб, яхшисини олиб қолиши мумкин эмас. Унинг ҳаммасини қайтариб бериши ёки истаса ҳаммасини олиб қолиши керак. Чунки бир қоп ё идишдаги нарса бир бутун мол ҳисобида бўлади. Агар у икки қопда ё идишда бўлиб улардан бир қоп ё идишдагиси (айбли) ёмон бўлса, унинг ўзини қайтариб бериб, унга яраша пулини қайтариб олиши мумкин.

Икки молни бир жойда савдо қилган киши уларни қабул қилиб олмасидан ё бирини қабул қилиб олгач, улардан бирида айб борлигини билса, улардан фақат айбсизини олиши мумкин эмас. Бу ҳолда истаса, уларнинг иккисини ҳам олиши ё иккисини ҳам қайтариши лозим. Чунки молни ҳаммасини қабул қилиб олмасдан савдо тамом ҳисобланмайди. Тамом бўлмаган савдони бўлиб бўлмайди. Аммо уларнинг иккисини ҳам қабул қилиб олгач, улардан бирида айб борлигини билса, уни қайтариб бериб, пулини олиши мумкин. Зеро, бу ҳолда савдо тамом бўлгандир.

Киши сотиб олган молида ўзганинг ҳаққи борлигини билса (масалан, ҳовли сотиб олганида сотувчининг ака ё укасининг унда мерос сифатида ҳаққи борлигини билса), уни қайтариб, пулини олиш ихтиёрига эга бўлади.

Агар у мол дон каби ажратиш мумкин бўлган моллардан бўлса, ўзгага тегишли қис-

мини бўлиб беради ва унга яраша пулини қайтариб олади. Қолганини қайтариб беролмайди.

Киши сотиб олган нарсасида айб борлигини (айб очиқ билинмаганида) даъво қилиб ҳаққини тўламай турган бўлса, уни қайтариб бериш учун айби борлигини исботлаши керак. Агар исбот қилолмаса, сотувчи молда айб бўлмагани хусусида қасам ичиши лозим.

Сотувчи қасам ичса, молни қайтариб беролмайди. Унинг ҳаққини тўлайди. Агар сотувчи қасам ичишдан бош тортса ё сотиб олган киши молда айб борлигини исботласа, молни қайтариб бериши ё (агар молда янги айб пайдо бўлган бўлса) унинг қий-

матидан чегириши мумкин бўлади. Агар молдаги айбни фақат мутахассислар билиши мумкин бўлса, икки одил мутахассиснинг сўзи билан айбнинг бор ё йўқлиги исботланади.

Киши сотиб олган нарсасида айб борлигини билганидан сўнг унга ўз молидек муомала қилишда давом этса, уни қайтариб бериб, савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Айбли отни қайтариб бериш, суғориш, унга ем (ўт) сотиб олиш учун миниш билан савдони бекор қилиш ҳуқуқи йўқ бўлмайди.

Айбли молни қайтариш харажатлари уни сотиб олган киши зиммасидадир.

Молни сотиб олганидан сўнг унда маълум бўлган айб туфайли савдони бекор қилиш ҳуқуқи мерос бўлади, яъни, уни сотиб олган киши унда айб борлигини билмай оламдан ўтган бўлса, унинг ворислари ўша айбли молни сотувчига (ё ворисларига) қайтариб беришлари ё (қайтариб бериш мумкин бўлмаганида) унинг айбига яраша қийматидан қайтариб олишлари мумкин.

Сотувчи савдо пайтида молини унда бўлган ё бўладиган айбларига жавоб бермаслигини айтиб сотиши дурустдир. Бу ҳолда ўша молни сотиб олган киши унинг айби учун савдони бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

УЙИМИЗДАН ТАШҚАРИ ҲАМ БИЗНИКИ

**Уйимиздан чиққан чиқиндиларни кўчаларга ташлаб кетмайлик.*

**Очиқ ҳаво остида уюлиб ётган чиқиндилар ҳавони ўн карра кўп булғайди.*

**Хас-хазонларни ёқишнинг зарари.*

**Чиқиндилардан ҳам маҳсулот ишлаб чиқараётганлар бор.*



Ислом дини поклик устига қурилган. Шу боис ҳам мўмин-мусулмон ҳар бир яхшилиқни покланиш, поклашдан бошлайди. Теварак-атрофни озода сақлаш пайида бўлади. Бобо-буви-ларимиз, ота-оналаримиз, чиқиндини ариққа супурма, сувга тупурма, нолойиқ жойларга ўтирма, ҳовли ва кўчаларга ахлат ташлама, деб қайта-қайта тайинлар эдилар. Шу боис ариқ ва булоқларнинг сувидан ҳеч ҳадиксиз қониб ичардик. Иссиқ нонларни оқар сувларда оқизоқ қилиб ердик. Бу ажиб кунлар

худди тушда кечгандек бўлиб қолди...

Ҳозир ким ҳам маҳалла, гузарлар оралаб оқиб ўтадиган ариқдан сув ича олади? Чунки ифлосланиб ётади. "Чаққонгина" фаррошлар ҳеч тортинмай ариққа суприндини ташлашади, кир ювилса, мағзавасини оқизишади.

Ҳар жойда кўз тушса, хижолатта соладиган бир манзара бор. Уйлардан узоқлашилмасдан исталган жойга ташлаб кетилган чиқиндиларни кўриш мукин. Улар уй ва ҳовлилардан чиқарилган. Ичида ҳар нарса айқаш-уйқаш бўлиб ётади. Ҳатто орасида қотган-қолган нон бўлақларини кўриб, одам ачиниб кетади. Ахир, егуликларимиз ичида нондек азизи борми? Унинг ушоғи ҳам, қотгани ҳам нон-ку! Бу азиз неъмат қачондан бошлаб чиқиндига аралашадиган бўлиб қолди? Унинг уволига қолишдан кўрқиб керак. Буни тушунмаганларга тушунтирайлик.

Фақат ҳовли ва уйларимиз эмас, қишлоқ, шаҳарларимиз ҳам ўзимизники. Унинг озодалигига фақат тозалик идоралари ходимларигина эмас, ҳар биримиз жавобгармиз, масъулмиз. Ким уйи ифлос бўлишини, чиқиндилар сочилиб ётишини истайди. Ҳеч ким. Аммо буни кўчамиз, мавземизга раво кўраемиз. Гоҳида ҳатто машинадан тушишга-да эриниб, катта, эсли-хушли кишилар

уйдан халтачаларга солиб берилган чиқиндиларни пана-пастқамларга улоқтириб кетишади. Шу боис ҳам йўлларимиз бўйида қоғоздан тортиб ҳар хил чиқиндилар сочилиб ётади, чекка жойларда уюлиб, бадбўй ҳидлар тарқалади. Бугун ер юзи аҳолисининг жон бошига 800-1000 килодан маиший, ўн мингдан тортиб эллик минг килогача захри қотил саноат чиқиндилари тўғри келади. Бундай катта ҳажмдаги чиқиндиларни табиий ҳолда бартараф этиб, тупроққа "ҳазм қилдириб", уларнинг салбий таъсири олдини олиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Очиқ ҳавода тўпланиб ётган чиқиндилар чириш жараёнида ҳавога атмосферанинг азон қатламини емирувчи зарарли газлар ҳавога чиқаради. Бир гектар майдонни эгаллаган қаттиқ чиқинди омборидан бир йилда минг тонна карбонат ангидрид, метан гази чиқиб, атрофмуҳитни заҳарлайди. Инсон ҳаётига хавф солади. Айримлар тўпланган хазон, шох-шабба чиқиндиларини ёндириб, улардан осонгина қутулмоқчи бўлишади. Бу ҳам билиб-билмай қилинган жиноятдир. Зеро, ёндирилган чиқиндилар, айниқса, пластмасса — елим қолдиқлари, хазон ва турли жиҳозлардан инсон ҳаётига, иқлим шароитига салбий таъсир кўрсатувчи кўплаб моддалар ажралиб чиқади ва ҳавони ўн карра, ҳатто ундан ҳам кўп миқдорда булғайди.

Теварак-муҳит тозалигини сақлаш, кўча-кўйда эски жиҳозлар уюлиб ётишининг олиш олажак омилларидан бири чиқиндилардан ҳам имкон қадар фойдаланишдир. Ҳозирги кунда дунёда чиқиндилардан яроқли нарсалар ишлаб чиқариш тобора равнақ топяпти.

Яшаётган жойларимизнинг тоза, хушманзара бўлиши аввало уй ва ҳовлилардан чиқадиган чиқиндиларни махсус жойларга қўйишимизга, ҳар нарсани кўчага отиб кетаверишдан сақланишимизга боғлиқ.

Абдумутал АБДУХОЛИҚОВ,

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус нозирлиги бошлиғи

Косон туманидаги “Чоргум-баз” жомеъ масжиди XVII-XVIII асрларда қурилган. Дастлаб “Кўрғон масжиди” дея аталиб, ўз даврининг ҳашаматли меъморий обидаларидан саналган. У ҳақда бундай маълумотни учратдик: “Кўрғон масжиди ҳашаматли тўртбурчакли устунлари ила тўрт томонга кетадиган, кенг равоқлари қалқонсимон қанотларга ўрнатилган гумбазлар хонақоҳ сатҳини тўрт бўлакка ажратиб туради.

Бу масжид ана шу жойларда кўп қўлланидиган ўрта асрларга оид анъанавий услубда тикланган. Бундай услуб XIX аср-

масжиди ҳам шундай кўргуликларга дуч келган эди. Мустақиллик туфайли янги масжидлар қурилиши қаторида қадимийлари таъмирланиб, қайта тикланаётир.

Косон “Чоргум-баз” жомеъ масжиди ҳам Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан қайта қурилди. Тарихий бинонинг пойдевори обдон таъмирланиб, пишиқ ғишти янги иншоот учун фойдаланилди. У замон та-



хожи Мукаррамов. — Албатта бу тарихий ва хайрли ишлар косонлик, қашқадарёлик ҳомий ва тадбиркорларнинг ёрдами, қурувчиларни жонкуярлиги би-

“ЧОРГУМБАЗ” ЖОМЕИ

нинг охири XX асрнинг бошларига қадар қўлланиб келинган.

Ҳашамдор гумбазли масжидлар қишлоқларда анча сийрак учрайди. Одатда қишлоқ масжидлари ҳам шаҳар гузарларидаги каби устунларга ўрнатилган ясси тўсинлар билан ёпилиб, бу устунлар қишқи хонақоҳ ва айвон куббаларини тутиб туради. Бир колоннали тўртбурчак хонақоҳдан иборат ва икки томонлама «Г» шаклига ўхшаш айвонли масжидлар (Косон ҳудудида ҳам) кўп учрайди. Қашқадарё вилоятида қўлланилган ушбу меъморий шакл бутун Ўрта Осиё бўйлаб тарқалган эди.¹

Куръони карим оятларидан бирининг мазмуни бундай: “**Албатта масжидлар Аллоҳникидир, Аллоҳ билан бирга бошқани дуода шерик қилманглар**”

Маълумки, масжидлар собиқ иттифоқ даврида топталди, бузиб ташланди. Ошхона, ётоқхона, ҳатто молхона сифатида фойдаланилди. Косондаги жомеъ

лаблари асосида, шарқона меъморчилик санъати анъаналарига таянилиб, гўзал шакл ва шамойилга эга бўлди. Шу боис ҳам қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Эски масжид ўрни учун шаҳарнинг энг баланд нуқтаси танланган эди. Янги жомеъ масжиди янада маҳобатли кўринишга эга, у узоклардан кўриниб туради. Иншоот сатҳи бир гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Ташаббускор ҳомийлар ҳиммати туфайли ҳашар йўли билан қайта қурилган масжид мажмуаси яхлит меъморий тизим касб этди. Айвонли хонақоҳ биноси, ташқи ва ички айвонлар, ҳужралар ва маъмурий бино, азон айтиш минораси (унинг баландлиги 13 метрни ташкил этади, аёллар учун алоҳида намоз ўқиш жойи ва ичимлик суви учун қазилган қудуқ шулар жумласидан. Иссиқ иқлим шароитлари инobatга олиниб, масжид деразаларига ганжли, безакли панжаралар — соябонлар ишланди.

“Масжидимизда бир йўла 700 нафар киши жамоат намозларида иштирок этиш имкониятига эга, — дейди масжид имом хатиби Муҳаммадхон

лан амалга ошди. Шунингдек, Республика меъморий обидаларни муҳофаза қилиш ва илмий ўрганиш бошқармаси раҳбарлигида мамлакатимизнинг қўли гул усталари ҳиссаси билан бунёд бўлди”.

Косон шаҳридаги “Чоргум-баз” жомеъ масжиди шарқона безаклар ила талқин этилишида нафақат қашқадарёлик, балки Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм ва Фарғонадан келган меъморларнинг ҳам маҳорати ва истеъдоди яна бир қарра намоён бўлди. Масжид ҳудудидага қудуқ қурилишини Бухородан келган усталар амалга оширган бўлсалар, мураккаб минора қурилишини асосан Бахтиёр Умаров, Ривожиддин Эгамбердиев бошлиқ самарқандлик усталар маҳорат билан бажаришди. Фарғона ва Тошкентдан келган усталар бинолардаги ёғоч ўймакорлиги, айвонлар шифтини вассажуфтлаш, устунлар, дарвоза, эшик ва ромларни ясаб ўрнатишни қойиллатишди. Уларга халқ устаси, Ўзбекистон қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев раҳбарлик қилди.

Фулом ЭГАМШУКУР,
Қашқадарё

¹ Л. Мансковская. “Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари”. Тошкент, 1979й., 93—94-бетлар.

ОЛМАЗОРЛИК ИСМОИЛ ҚОРИ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Сўнгра биз бу китобга бандаларимиздан ўзимиз танлаган зотларни (яъни, сизнинг умматингизни) ворис қилдик (Фотир, 32).

Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) хушxabар берадилар: “Сизларнинг энг яхшиларингиз Куръонни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатганларингиздир” (Бухорий, Термизий, Абу Довуд ривоятлари).

Тошкентнинг Қатортерак маҳалласида (Ҳозирги Навоий кўчасида) Исмоил сўфининг мўъжазгина ҳовлиси бўларди. Милодий минг тўққиз юз ўн биринчи йили шу ҳовлида қувончли воқеа юз берди: тўнғич фарзанд туғилди. Ўғил. Сўфи масжидга севиhib чикди. Кўтаринки руҳда азон айтиб маҳалла аҳлини намозга чорлади. Қувончини имомга, қавмдаги қадрдонларига билдирди. Гўдакка ўз исмига уйқаш қилиб, ихлос билан “Исмоғил” деб от қўйди.

Болакай, айниқса, Куръон тиловатини эшитганида, ҳайрату ҳаяжондан нафасини чиқармай, қотиб қоларди. У: “Отажон, менга ҳам Куръон ўқишини ўргатинг”, деб илтимос қилишга тушди. Боланинг зеҳни ўткир, хотираси кучли эди. Анамана дегунча ҳарфларни таниди, дона-дона ўқийдиган бўлди. Боладаги бу иштиёқдан завқланган ота ўғли билан жиддий шуғулланди, ўзи тирикчиликка кетса ҳам, ўғлини масжидда қолдирадиган бўлди.

Исмоғил тўққиз ёшида Куръони каримнинг ўн уч порасини ёд олиб қўйди. “Исмоил сўфининг ўғли қори бўлибди”, деб Рамазонда илк марта таровеҳ намозларида қорилар қаторига қўшишди. Жамоатнинг дуоסי сабаб ёш қорининг кучига куч қўшилди. Ўн бир ёшида Аллоҳ каломини ҳифз қилди, ўттиз пора Қуръонни тўла кўтариб олди. Гоҳида ўғлининг қироатидан масрур бўлган дамлар сўфи: “Бобокалонларимиз ҳам улуг қорилар бўлишган экан. Сен ана шу улуг силсиланинг давомчисан”, дея алқаб қўяр, сўнг: “Қуръони азимушшаъни шундай ёд олиш керакки, умрнинг охиригача хотирадан кўтарилмайдиган бўлсин”, деб огоҳлантиришдан чарчамас эди.

Қори ўн олтига кирганида отаси қазо қилди. Рўзгор ташвиши бошига тушди. Икки жигари — укаси ва сингилиси ёш, уларни боқиши, тарбиялаши керак эди.

20-йиллар очарчиликлари, 30-йиллар сургуну қатағонлари, 40-йиллардаги Иккинчи жаҳон уру-

ши йўқотишлари қанча-қанча илм толибларию устозларни олиб кетди. Кўплар тирикчилик ташвишига тушиб қолдилар. Уруш даҳшатлари диндор халқимизни эсанкиратиб қўйди, қориларнинг дилларидан Куръон кўтарилаёзди.


Аммо Исмоғил бу тоифадан бўлмади. Тўғри, у ҳам тирикчилик арвасини тортиш учун барча ишларни қилди, устага шогирд тушиб, иморатлар тиклади, уйлаhib, оила курди, ташвишлари кўпайди, лекин шунга қарамай, масжиддан узилмади. Куръонга муҳаббати ёши улгайган сари кучайди.

Ёши ўттиздан ўтиб борарди. Кунлардан бир куни унинг қироатини тинглаган кексароқ киши ўқилган оятларнинг маъноларини сўраб қолди. Қори баъзи жойда тутилиб, жавоб қайтаришга қийналди. Шунда отахон бир оғиз:

— Қори болам, қўлингизга узук тақибсиз-у, кўзи йўқ экан-да... — деди.

Қори дарров тушунди. Отахон гўзал бир мажоз билан Куръонни бир узукка, маъноларини узук кўзига ўхшатган эди. “Аллоҳ марҳамат қилиб, кучли зеҳн ва хотира берибди, қори бўлибсан, лекин Куръоннинг маъноларини тушунмасанг, фақат сўзга маҳлиё бўлиб ўтасан, ҳамма ҳикмат уни англашда, тушунишда”, дегандай бўлди. Қори бу ҳақиқатни ўз вақтида англамаганидан афсус чекди.

Қорилик олимликнинг дастлабки босқичи экан. Исмоғил энди гўё иккинчи довонни ошиб ўтиш учун йўлга чикди. Ҳақиқатдан ҳам Олами Кубро-



ни англаш Куръон маънолари тушунишдан бошланиши кўп ўтмай унга аён бўлди. У кучли ихлосу тиришқоқлик билан асли қофқозлик Лазгин домла сабоғини олишга тушди. Устознинг Куръон маъноларини тушуниш усулини ўзлаштирди. Саккиз-тўққиз ойда бу мактабни муваффақиятли битириб, устозидан оқ фотиҳа олди. Ўзи ҳам бошқаларга сабоқ беришни бошлади.

Ўшанда Тошкент азимда Исмоил отлик тўрт машҳур қори яшарди. Шунинг учун унинг исмига яшаган мавзесини қўшишди. У олмазорлик Исмоил қори деб танилди.

Ривоятга кўра, фарзандини қори қилиб тарбиялаган ота-она бошига жаннатда тож кийдирилар экан. Исмоилнинг падари бузруквори ҳам халқнинг эҳтиромига сазовор бўлди. Қори акамиз ҳам халқ орасида отасининг исми билан ном чиқарди.

Исмоил қори ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўп тортди. Йигирма олти ёшли катта ўғли вафот этди. Унга юқтирилган илм ҳаммада ҳам топилавермас эди. Шу боис у пайтларда саноқли бўлган масжидларга имомликка таклиф қилишди. Диний идорада иш бермоқчи бўлишди. У эса устачилигидан қолмади. Лекин эшигига илм истаб, Куръондан саводини чиқаришни хоҳлаб келганларни умидсиз қайтармади. Ишлаб туриб ҳам уларга сабоқ бераверар эди.

Мол-ҳол қилиб, тадбир билан иш юритар, керакли егуликларни томорқасида етиштирар эди. Айниқса, парҳезкор бўлиб, зинҳор исрофга йўл қўймади. Болалари илм ва ҳунар ўрганишар, доимо бир иш билан банд бўлишар эди.

Исмоил қори илмни тирикчилик воситаси қилиб олмади. Оиласи, фарзандлари, шогирдлари, маҳалла-қўй аҳлига ниҳоятда жонкуяр яшади.

Исмоил қори минг тўққиз юз тўқсон биринчи йилда 80 ёшида оламдан ўтди. Ўтганларни эслаш биз тирикларнинг бурчимиз, қолаверса, Куръон хулқи билан хулқланган кишиларнинг ибратли ҳаётини зикр этиш кўпчилигимиз учун ибрат бўлиши, яхшилиққа ундаши бегумон. Шу боис Исмоил қорини яқиндан билган кишиларнинг мухтасар хотиралари билан сизни таништиришни лозим топдик.

Абдуғани қори ИСМОИЛОВ, ўғли, Тошкентдаги “Жўрабек” жомеъ масжиди имом-хатиби:

— Отам ўзлари ҳақида шукрона тарзида бундай дер эдилар: “Қанча одам билан суҳбатлашмай, дилим билан Куръон ўқиб туравераман”. Менинг ўзим ҳам буни бир неча бор кузатганман. Суҳбат асносида муборак оғизларидан беҳосдан Куръон жумлалари чиқиб кетар, шу ҳолда ўзларини ноқулай сезиб, суҳбатдошларидан узр сўраб қўяр эдилар.

Ҳатто бир гал нонушта ва тушки овқат оралигида хатм қилганлар.

Талабалик пайтим эди, адашмасам, кечқурун: “Эртага мени автобусга солвор, Жиззахга бориб келаман”, деб қолдилар. Тонгда уйғонибоқ болохонага қарадим. Чироқ ёниқ эди. “Намозларини ўқиётган бўлсалар керак”, деб ўйладим. Бир оздан кейин чиқиб салом берсам, бошларини қимирлатиб, алик олган бўлдилар, аммо овоз чиқариб бир нима демадилар. Пастга тушиб, машинага ўтирдик.

“Мошинада олиб бориб кела қолай, ада, автобусда қийналиб юрасизми?” десам, бошларини инкор маъносида чайқадилар. Соат етиларда автобусда жўнаб кетдилар. Пешиндан ўтиб, ўқишдан қайтибоқ, отамни суриштирдим. Ҳали сафардан қайтмадилар. Ярим соатлардан кейин эшик қўнғироғи уч бор жиринглашидан билдим: адам келган эдилар. Эшикни очиб, салом бердим, “Яхши бориб келдингизми”, деб ҳол-аҳвол сўрадим. Аммо бир нима демадилар, тўғри болохонага чиқиб кетдилар. Ярим соатдан кейин тепадан “Чой...” деган овоз эшитилди.

Югуриб чиқдим. “Яхши бориб келдингизми?” дедим. “Алҳамдулиллаҳ, бомдод намозидан кейин Куръон хатмини бошловдим, ҳозиргина тугатдим. Сан билан борсам, шунча вақт гап-сўз билан ўтиб кетар, ўқишдан ҳам қолар эдинг, вақтни қадрлаш керак!” дедилар сўзларини якунлаб.

Отам шу саккиз соат давомида Куръони қаримни бошдан-охиригача хатм қилишга улгурган эдилар.

* * *

“Аллоҳга муҳаббатинг кучли бўлгани сари атрофингдагиларнинг сенга меҳр-муҳаббати кучаяди”, дердилар. “Бирон-бир қуш халта-хуржунда емишини кўтариб юрганини ҳеч кўрганмисан, айтчи, менга?” деб қолардилар гоҳо.

“Қуш ҳам халтада овқатини кўтариб юрарканми?” деб ҳайрон бўлсам, саволларига ўзлари жавоб қилдилар: “Қуш ҳам Худо дейди, фақат биз тушунмаймиз. Шу боис истаган жойдан ризқини топиб ейди. Биз ҳам қанчалик кўп Худо десак, шунчалик ризқимизни тўқис қилиб беради, мушқулимизни осон қиладиган ёрдамчилар етказиб қўяди”.

Бунга кўп гувоҳ бўлганман. Уй қурганимизда ҳайдовчи шогирдларидан Абдулаҳад ака ишга кетганида ҳам, қайтганида ҳам эшигимиз олдида юк машинасини тўхташиб ўтарди.

Уйимизга кириб ҳол-аҳвол сўрарди. “Қори аканинг бирон иши чиқиб қолса, оғирини енгил

(Давоми 18-бетда.)

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Нодир китоблар кўргазмаси



Лондон шаҳридаги Британия кутубхонасида нодир китоблар кўргазмаси очилди. Бу ердаги қўлёмаларнинг аксарияти илгари намойиш қилинмаган эди.

Кўргазмада бошқа мамлакатлар миллий китоб хазиналаридан келтирилган икки юз ўттиздан ортиқ ноёб қўлёмза манба ҳам Британия кутубхонаси нодир экспонатлари қаторидан ўрин олди. Қуръони каримнинг миллодий VIII асрда кўчирилган нусхаси, XVI аср бошларида Чингизхон авлодидан Улжайту учун махсус кўчирилган Қуръони карим нусхаси, шунингдек, йирик-йирик, олтин ҳарфлар билан етти жилд қилиб кўчирилган Султон Бейбарс Қуръони томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада тилла ва кумуш толаларидан тўқилган Каъба ёпқичи ҳам намойиш этиляпти.

Кўргазма шу йилнинг 23 сентябрига қадар ҳар куни ишлайди.

Islam.ru

ИКТ ҳаққонийликка чақиради

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида “Багрикенглик ва тинч алоқаларни ривожлантиришда матбуот вазифалари” мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ислom конференцияси ташкилоти раҳбари Акмалиддин Эҳсонўғли ғарб мамлакатлари оммавий-ахборот воситаларини, барча журналистларни мусулмон оламидаги воқеаларни ҳаққоний ёритишга, тамаддуллар ва маданиятлар ўртасида багрикенгликни, тинч алоқаларни мустаҳкамлашга чақирди.

Акмалиддин Эҳсонўғли айтишича, ҳозир ғарб билан мулоқотлар ташаббусини ҳақиқий мусулмонлар қўлидан кўпинча бузғунчи ва кўпорувчи кучлар олиб қўймоқда. Бу ҳолат ғарб жамиятлари билан мусулмонлар орасига ихтилоф солиши табиийдир.



“Оммавий ахборот воситалари ҳаққоний ишласа, турли қадриятлар тизими ва турли сиёсий ғоялар билан яшовчи жамиятлараро яхши муносабатлар ўрнатишда жуда муҳим вазифани бажариши мумкин”, дея таъкидлади ИКТ раҳбари Акмалиддин Эҳсонўғли.

Islam Online

“Ақсо” масжиди учун

“Ақсо” ҳимояси учун миллион имзо” номли бутунжаҳон ҳаракати бошланди. Доха шаҳридаги Қатар хайрия ишлари қўмитаси, шунингдек, атоқли олим, Уламолар халқаро уюшмаси раҳбари Юсуф Қарзовий бу ишнинг ташаббускорлари бўлишди.



Қўмита барча мусулмонларни имзо йиғишда қатнашишга чақирди. Миллионга имзо тўпланганидан сўнг БМТ бош қотиби Пан Ги Мунга мактуб йўлланади.

Ҳозирнинг ўзидиёқ эллик беш мингдан ортиқ яманлик, эллик мингдан зиёд қатарлик, ўттиз мингдан ортиқ баҳраинлик, юз мингдан кўп қувайтлик мурожаатномага имзо чекди.

ИНА

АЙСЕЕСКО 25 ёшда



Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислom ташкилоти — ISESCO (АЙСЕЕСКО) ўзининг 25 йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан Работ шаҳрида ўтган

байрам танталарида ташкилот бош директори доктор Абдулазиз Тувайжирий, Марокаш қироли маслаҳатчиси Аҳмад Жирарий, шу мамлакат таълим вазири Хабиб Маликий ва бошқа обрўли меҳмонлар ҳозир бўлишди.

Ҳабиб Маликий таъкидлашича, АЙСЕЕСКО фаолияти мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнига яхши таъсир кўрсатди, мусулмон давлатларида таълим услубларини ривожлатиришга катта ёрдам берди.

АЙСЕЕСКО раҳбари Абдулазиз Тувайжирий ташкилотнинг фаолият йўналишлари ва доирасини янада кенгайтириш, замон талабларига мос лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

ИНА

Маълумки, АЙСЕЕСКО йил бошида мамлакатимизнинг бош шаҳри Тошкентни Ислом маданиятининг 2007 йилги пойтахтларидан бири деб эълон қилган эди.

Хорижликлар Исломни қабул қилишяпти

Саудия Арабистони Исломий даъват бўлими назоратчиси шайх Нуҳ Ҳурайн айтишича, 2007 йилнинг биринчи ўн кунлигида бу ерга келган хорижликлардан 572 киши Исломни қабул қилди. Дин ишлари вазирлиги мамлакатдаги барча шаҳарларда махсус марказлар очган. Бу марказлар таълим ишлари билан шуғулланади, Исломни ўрганишни хоҳловчилар учун ўқув курслари ташкил этади.

Турли халқлар вакиллари Исломни қабул қилишяпти, дея хабар беради Saudi Press агентлиги. Оврупаликлар, америкаликлар динимизни ўрганиш учун Саудия Арабистонига келишяпти. Бир оз муддат ўтиб, мусулмон бўлишга қарор қилишганини айтишяпти.

ИНА

Янги исломий нашр

Чебоксари шаҳрида Чувашистон мусулмонларининг илк газетаси “Чувашистонда Ислом” нашрга тайёрланди. Янги газета республика мусулмонлари диний бошқармаси ва “Знание” ижтимоий-маърифий ташкилоти ҳамкорлигида чоп этилади.

Газета саҳифаларидан динимиз асослари ҳақида мақолаларга, ижтимоий-иқтисодий мавзудаги хабарларга, савол-жавоб рукни материалларига кенг ўрин берилади.

“Шу пайтгача минтақамизда мусулмонлар ҳаётини ёритувчи бирорта вақтли нашр йўқ эди, — дейди “Знание” ташкилоти раиси Айрат Ҳайбуллаев. — Бизнинг мақсадимиз Исломнинг асл моҳиятини мусулмонларга ҳам, бошқа дин вакилларига ҳам тўғри ва содда тушунтириб беришдир”.

Религия и СМИ

“Ислом қомуси”

Туркия Исломий тадқиқотлар марказининг саъй-ҳаракатлари билан 32 жилдлик “Ислом қомуси” тўла нашр этилди. Ушбу нашр барча Ис-



лом тадқиқотчилари учун энг қамровли илмий манба ҳисобланади.

Мазкур қомус нашри муносабати билан марказ директори Акиф Ойдин ташкилот келгусида ҳар йили иккитадан жилд чоп этиб, қомусни янада кенгайтиришни, шунингдек, уни араб ва инглиз тилларига таржима қилишни режаланини айтди

KUNA

Қуръони каримнинг ноёб нусхаси

Хитойнинг Нинся Хуэй мухтор туманида подшоҳ Мин сулоласи ҳукмронлиги даврида (1368-1644) кўчирилган Қуръони карим нусхаси топилди.

Қуръони каримнинг бу нодир кўлөзма нусхаси Сиди уезддаги масжидлардан бири имомининг оилавий кутубхонасида сақланиб келган.

Китобнинг ўлчами 26,6 x 20 x 6 сантиметр. Муқоваси бузоқ терисидан ишланган. Ички саҳифалари тилларанг нақшлар билан безатилган. Баъзи саҳифалар бир оз сарғайиб, юпқалашиб қолганига қарамай, Китобни яхши сақланган деса бўлади.

Қадимшунослар Қуръони каримнинг ушбу нусхаси хуэй халқи тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этишини таъкидлашяпти.

Portal credo.ru

Берлинда ўтган анжуман

Берлин шаҳрида Олмония мусулмонлари иккинчи анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда асосий эътибор мусулмонларнинг немис жамиятига киришиб кетуви, дин ниқобидаги қўпуровчиликка қарши кураш масалаларига қаратилди.

Анжуманда ўттиз нафар доимий аъзо: давлат федерал тузилмаларидан ўн беш вакил, мусулмонлар жамоаларидан ўн беш вакил иштирок этди. Эслатиб ўтамиз, биринчи анжуман 2006 йил сентябр ойида мамлакат ички ишлар вазири Волфанг Шойбле ташаббуси билан ўтказилган эди.

ИТАР-ТАСС

Санкт Петербургда иккинчи жомеъ

Санкт Петербург шаҳридаги иккинчи жомеъ масжиди қурилишини шу йилнинг 1 июнигача якунлаш, ички безаш ишларини эса Рамазон ойига қадар битириш режаланган. Қирқ метрли минораси бўлган масжид Коломяга даҳасида, Репишев ва Парашотний кўчалари кесишган жой яқинида қуриляпти. Ҳозирча эса, Россия Федерациясининг шимолий “пойтахти” да битта жомеъ ишлаб турибди.

Islam.ru

Гумбази гардун таянчи Ҳақ била,

Шайх Фаридуддин АТТОР

* * *

Юзларида нур — нишони саждадир,
Сажда йўқ эрса талъат қайдадир.

* * *

Ер паст, осмон баланддир қанчалар,
Ҳар бириси айрича бергай хабар.

* * *

Зарра борким, айру бир даргоҳи бор,
Зарранинг даргоҳга айру роҳи бор.

* * *

Сен аён излар эсанг, бўлгай ниҳон,
Сен ниҳон излар эсанг, бўлгай аён.

* * *

Иккиликдин воз кечиб, бир тусли бўл,
Бир кўнгил, бир қиблаву бир юзли бўл.

* * *

Бўйлаким йўл юр-да, поён истама,
Бўйла бир дардинга дармон истама.

* * *

Ақлу жону дил ва динни бойладик,
Лек камолин зарра билдик, билмадик.

* * *

Кори олам бўйлаким ғайрат эрур,
Ҳайрат узра ҳайрату ҳайрат эрур.

* * *

Йўлчисен, йўл не кўрингай, шунга боқ,
Ким йироқ кўргай уни, кетгай йироқ.

* * *

Холиқо, гар яхши қилдим, гар ёмон,
Мен ўзим қилдим, ўзимдин ул ҳамон.

* * *

Мен ўзимга мубтало, ҳайрон сенга,
Яхшидирман ё ёмон, қурбон сенга...

* * *

Кимни гар шод этмаса дардинг сенинг,
Бўйладирким, ул эмас мардинг сенинг.

* * *

Эрта мендан холи қолгай масканим,
Кимсасиз эртамда ёрим бўл маним.

* * *

Ғарқ этаркан кўнглини ул баҳри роз,
Жўш уриб, шу лаҳза айларди намоз.

* * *

Гар нишонингдин нишон келгай менга,
Бенишонлик бир нишон бўлгай менга.

* * *

Сен ақлни айла кўнгилга бадал,
Бирйўла кўргил абад бирлан азал.

* * *

Нафсни Ийсодек ёқишни ўйла сен,
Жонни жонон бирла равшан айла сен.

* * *

Ҳақ ишида марди ҳақ эрсанг тамом,
Ҳақ қолур, сен қолмагайсен, вассалом.

* * *

Билмади ул не камолу не жамол,
Билгани халқнинг фақат ваҳму хаёл.

* * *

Жонга жононсиз ушбу дунёнинг нима?
Йўқса жононинг магар, жон истама...

* * *

Зарраи ишқ барча офоқдин азиз,
Зарраи дард барча ушшоқдин азиз.

НАВОЙНИ МАФТУН АЙЛАГАН КИТОБ

Шайх Фаридуддин Атторнинг “Мантикут тайр” достони алоҳида мавқе ва нуфуз қозонган, деса, асло муболаға бўлмайди. Бу китоб Алишер Навоийни болаликдаёқ ўзига мафтун айлаши тасодиф эмасди. Машҳур тасаввуфшунос Абу Аъло Афифий ёзишича, «Мантикут тайр»даги қушлар инсон нафсларидир. Водийлар сўфий йўлидаги мақомлардир. Достондаги қушлар на кўз ила кўрилуру, на қўл била тугилуру. Уларнинг кўпчилиги маънавий водийлардаги бутунлай маънавий йўлчиликдир. Бу

сайру саёҳат асносида нафсининг ғаройибликлари, ҳоллар ва улардаги қоронғулик, нур, дунё ишларига боғланиш, “энг муқаддас илоҳий Ёр” ишқига таслим бўлиш каби ҳолатлар мушоҳада этилуру».

Атторнинг бу бетимсол достони тасаввуф адабиётининг тамал асарларидан бўлиб, қанча мутасаввиф ва шоирлар ундан илҳом олганлар. Алишер Навоийнинг “Лисонут тайр” достони ҳам шундай таъсир ва илҳом мевасидир.

Фаридуддин Аттор достонини ўқиш “Лисонут тайр”ни яхши анг-

лашга, Навоий достонини мутолаа қилиш “Мантикут тайр”ни пухта ўқиб-ўрганишга ёрдам беради ва имкон очади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти Шайх Фаридуддин Атторнинг “Мантикут тайр” асарини Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасида нашр эттирди. Ушбу саҳифада берилган ҳикматлар мазкур китобдан олингандир.

Икки оламнинг севинчи Ҳақ била...

* * *

Жон қулоғи бирла тингларсен буни,
Тан қулоғи илғамас, туймас уни.

* * *

Ким демиш нуқсонун айбдин излагил,
Сен ҳуснин ҳусни ғайбдин излагил.

* * *

Кимки ул — сувратга бўлғай мубтало,
Тонг эмас, бошига келгай юз бало.

* * *

Ҳар нафас умринг асл гавҳар эрур,
Ҳақ сари бошловчи бир раҳбар эрур.

* * *

Улки жонни марди олий айлагай,
Аждаҳони бир чумоли айлагай.

* * *

Покбозликдин бировким дам урар,
Ўз ишига ул ўзи барҳам урар.

* * *

Бўлмасанг япроқ, бутокда ўйнама,
Этма густоҳлик, ўзингни қийнама.

* * *

Йўл қоронғу эрса, навмид бўлмағил,
Йўл чароғон эрса, хуршид бўлмағил.

* * *

Дил ҳузурин берма қўлдин, тут ани,
Йўқса ғафлат измига солгай сани.

* * *

Икки оламнинг севинчи Ҳақ била,
Гумбази гардун таянчи Ҳақ била.

* * *

Гар эсанг айбинг ила машғул ўзинг,
Гарчи айбинг бўлса ҳам, мақбул ўзинг.

* * *

Ақл ишқ савдосида устоз эмас,
Ишқ ақлга улфату ҳамроз эмас.

* * *

Бўлмагай ошиқда ўзга фикр-ўй,
Жон тикарсан Унга, ўзга гапни қўй.

* * *

Паст сифатлардин тамоман пок бўл,
Сўнгра ол кафтингга елни, хок бўл.

* * *

Манзилинг олис, чу жондин оҳ чек,
Жонни шайла йўлга, азми роҳ чек.

* * *

Дард ҳосил қилки, дармонинг ўшал,
Аввал-охир доруйи жонинг ўшал.

* * *

Нафс семирди, ўзни бир дам тиймади,
Мен тўйиб жондин, вале ул тўймади.

* * *

Ложарам олтинга тенгдир яхши сўз,
Айтмаган сўз эрса олтиндан азиз.

* * *

Тотмадим золим таомин мўлтираб,
Бир китоб ҳам битмадим унга атаб.

* * *

Сен олиб бошингни боргил дашту қўй,
Мен йиқилдим, бул ишимни Унга қўй.

* * *

Етса гар бир ранжу озорлик сенга,
Иззатингдир бул, эмас хорлик сенга.

* * *

Кимки сувратда сенга ранж айлагай,
Ранж эмас ул, аслида ганж айлагай.

* * *

Гар қўлингдан олсам аччиқ мевани,
Мен ҳамон аччиқ этайму шевани?

* * *

Шодлик истарсен чекиб ранжу алам,
Бу жаҳоннинг шодлиги шу — даруд ғам.

* * *

Хуни дил бирла есанг ҳар луқмани,
Юз очур сенга ҳақиқат гулшани.

* * *

Чекса заҳмат амри Ҳақ бирлан даме,
Чун савоби бирла тўлғай оламе.

* * *

Шул заминун осмонун хосу ом,
Бўйсуниб Ҳақ амрига, топгай мақом.

* * *

Ёқса юнон ҳикматин ул шамъи дин,
Шамъи кўнглингга зиён етмас кейин.

* * *

Токи борсен, поймолдирсен фақат,
Йўқ эсанг, бош узра тождирсен абад.

* * *

Гар ўшал дарди дилимни сўйласам,
Сен менга ҳайрон бўлурсен менданам.

* * *

Қувватим бор эрди, ишни билмадим,
Ишни билган онда битди қувватим.

* * *

Кимки кўзда ёшини дарё қилур,
Бас, муносибдир ўшал манзилга ул.

* * *

Интизорлик бирла кутгил ҳар маҳал,
Оқибат бағринга келгайдир гуҳар...

Ўзбекистон халқ шоири
Жамол КАМОЛ
таржимаси

ОВРУПАДА ИСЛОМ



Кейинги йилларда Оврупада истиқомат қилаётган мусулмон аҳоли кўпайиб, жамиятдаги мавқеи ва мақоми ортиб борапти. Биргина Фарбий Оврупада етти мингдан зиёд масжид, марказ ва муассаса ишлаб турибди.

Қитъадаги исломий ташкилотларнинг энг йириги Оврупа Исломий ташкилотлар иттифоқи бўлиб, унинг таркибида Оврупа Ижтимоий фанлар институти, Фатво ва тадқиқотлар бўйича Оврупа кенгаши, Оврупа ёшлари ва талабаларининг исломий клуби, Оврупа вақфи, Ислом билим юртлари лигаси каби мўътабар қурилмалар бор. Масалан, ижтимоий фанлар институтининг Франция ва Буюк Британияда учта филиали фа-

олият юритади. Араб тили институти, Куръони каримни ўрганиш институти ва исломий тадқиқотлар факултетини бирлаштирган бу таълим муассасасининг кундузги ва сиртқи бўлимларида жами мингдан ортиқ талаба таҳсил оляпти.

Фатво ва тадқиқотлар бўйича Оврупа кенгаши эса қитъа мусулмонларининг диний-ҳуқуқий ташкилоти ҳисобланади. Унинг таркибига кўплаб мамлакатларнинг ўттиздан зиёд турли миллат ва мазҳабдаги олими кирган. Унга машҳур шайх Юсуф Қарзовий раҳбарлик қилади. Кейинги беш йил ичида Кенгашнинг 12 та сессияси бўлиб, уларда Оврупа, умуман Ғарб дунёсидаги мусулмонлар ҳаёти ва манфаатига доир турли фатволар чиқарилди. Улар бир қанча ғарб тилларида ва арабчада нашр этилди. Кенгаш қароргоҳи Ирландия пойтахти Дублин шаҳрида жойлашган.

Оврупа Ислом Кенгаши ҳам нуфузли муассасалардан бўлиб, у Олмония, Франция, Испания, Белгия, Голландиядаги исломий қурилмаларни бирлаштирган.

Оврупа мусулмонлари бугун кўплаб ўқув юртларида араб тили ва Ислом ахлоқидан таҳсил олишлари мум-



кин. Буюк Британия, Франция, Олмония, Испания, Голландия, Украина, Россия институт ва университетларида ислом факултетлари очилган.

Оврупа Исломий ташкилотлар иттифоқининг ахборот





Оврупада мусулмонлар

бўлими маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда Фарбий Оврупада мусулмонлар сони 15,3 миллиондан, Шарқий Оврупа мамлакатларида эса 34,5 миллиондан ошди. Энг кўп мусулмон Францияда яшайди, бу ерда улар сони 5,5 миллионга етди. Олмонияда 3,2, Буюк Британияда 1,7, Италияда бир миллион мусулмон бор. Шарқий Оврупада эса мусулмонлар сони жиҳатидан Россия пешқадам (21 миллион). Украина, Болгария, Албания, Босния, Косовода ҳам 2—2,6 миллиондан мусулмон яшаб турибди.

Ён тарафда Оврупа исломий ташкилотлари Иттифоқи ва “Анжуман” (Собрание) маданий-оқартув ижтимоий бирлашмалари уюшмаси ахборот бўлимлари томонидан тузилган Фарбий ва Шарқий Оврупадаги мусулмонлар сонига оид жадвални эълон қилаётимиз. Бу маълумотлар мусулмонлар сонини белгилловчи бошқа манбалардан бир оз фарқланиши мумкин.

Интернет материаллари асосида

Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади.

Т/р	Мамлакат	Жами аҳоли	Мусулмонлар сони	Умумий аҳолига нисбатан фоизи
ФАРБИЙ ОВРУПА				
1	Франция	56.576.000	5.500.000	9.72
2	Олмония	79.113.000	3.200.000	4.04
3	Буюк Британия	57.236.000	1.700.000	2.97
4	Италия	57.739.000	1.000.000	1.73
5	Голландия	14.805.000	900.000	6.08
6	Белгия	9.928.000	600.000	6.04
7	Швеция	8.526.000	400.000	4.69
8	Швейцария	6.796.000	400.000	5.89
9	Испания	38.869.000	380.000	0.98
10	Австрия	7.624.000	400.000	5.25
11	Греция	10.140.000	700.000	6.90
12	Дания	5.130.000	120.000	2.34
13	Финландия	4.974.000	40.000	0.80
	Жами	357.456.000	15.340.000	4.29
ШАРҚИЙ ОВРУПА				
1	Россия	142.386.000	21.000.000	14.75
2	Украина	51.704.000	2.000.000	3.87
3	Руминия	23.152.000	120.000	0.52
4	Болгария	8.976.000	2.600.000	28.97
5	Полша	37.932.000	20.000	0.05
6	Венгрия	10.590.000	80.000	0.76
7	Белоруссия	10.200.000	80.000	0.78
8	Молдова	4.341.000	25.000	0.58
9	Болтиқбўйи	7.700.000	35.000	0.45
10	Албания	3.200.000	2.400.000	75.00
11	Босния	4.479.000	2.200.000	49.12
12	Косово	2.283.000	2.000.000	87.60
13	Македония	2.111.000	500.000	23.69
14	Хорватия	4.683.000	400.000	8.54
15	Словения	1.948.000	250.000	12.83
16	Сербия	9.830.000	800.000	8.14
	Жами	325.515.000	34.510.000	10.60

ОЛМАЗОРЛИК ИСМОИЛ ҚОРИ

қилишга ҳиссам қўшилиб қолармикан?” деган умидда келаётганини қарашидан билиш қи-йин эмасди. Ёки чорванинг тилини яхши билган да-дамнинг мухлиси Абдувакил ака ҳафта-ўн кунда ҳовлимизга кириб келиб, боқаётган молларимизни кўздан ўтказар, “Мана бу сигирингизни бозорга олиб тушиб, алмаштириш керак экан”, дер, отам илтимос қилмасалар-да, мол бозорига тушиб, бошқасига алмаштириб чиқар, рўзгоримиз бут бўлишига ўзича қарашар эди.

* * *

Отам ҳалолликни ҳамма нарсадан устун қўяр эдилар. Кунлардан бир куни Оржоникедзе райони (ҳозирги Қибрай тумани)да ишлаётган ошналари-нинг олдига бир иш билан борадилар. У: “Ўғлингиз Абдувоҳид ҳам катта бўлиб қолди. Машина олинг. Гўшт топшириш идорасига уч тонна гўшт топширсангиз, етти минг сўм бўлади. Бунга битта “Жигули” олиш мумкин. Мен ёрдам қиламан”, деб маслаҳат беради. Отамга бу таклиф маъқул бўлади, Россиядан чорва моллари олиб келадиган ош-налари кўрадилар. Ниҳоят, гўштга мол қабул қиладиган идора томон йўлга чиқишади. Шунда негадир кечувдан ўтаётган бир жойда ҳайдовчи мошинасини тўхтади.

Отам: “Нима гап бўлди, ё мошина бузилди-ми?” дейдилар ҳайрон бўлиб.

“Қори ака, молларни бир суғориб олайлик”, дейди ҳайдовчи.

“Нега суғорасизлар, ҳозир етамиз-ку!” дея бат-тар ҳайронликлари ошади отамнинг.

“Бу моллар вагондан тушганига уч кун бўлди. Сизга ёрдам бўлсин, деб шу пайтгача сув ичирма-ган эдим. Ҳозир олти молнинг ҳар бири 50 килодан сув ичса, 300 кило ичади. Бу шунча кило гўшт деган. Замон шу-да, қори ака, оз-моз етмай юр-масин-да”, дейди молташир ошна.

“Кўнглимни хира қилманг, — дейдилар ҳақиқатни тагига етган, ҳалол ишнинг ҳаромга айланиб қолиши хавфини тушунган отам: — Ҳай-данг мошинани, килодан етмаса, пулини тўлай-миз, аммо ҳеч ҳам бундай қилиш керак эмас”.

Мошина жойидан жилади. Моллар суғорилмас-дан олиб борилиб, тарозига тортилади. Кўзланган уч тонна эмас, 3150 кило, яъни бир юз эллик кило кўп ҳам чиқади.

*(Давоми, бошланиши 10-бетда)

“Қори ака, ҳисоблаб қўйган экансиз-да”, деб кулган бўлади ҳайдовчи.

Отам эса, жиддийлик билан дейдилар:

“Барака ҳалолликда. Мен қаердан билибман бу моллар неча кило чиқишини. Ўйлашимча, сиз 100 кило қўшилади деб молларни суғориб борганин-гизда, тарозибоннинг ҳам хаёлини шайтон ўғир-лар, у тарозидан икки юз килони урар... Кўряп-сизми, юз кило кўп чиқиш ўрнига 100 кило учун тўлашимиз керак бўларди. Биз алдамаганимиз учун унга ҳам Худо инсоф берди”.

Баҳром ИШМАТБЕКОВ, куёви:

— Раҳматли қайнотамни ҳар куни камида беш-ўн марта миннатдорлик билан эслаймиз. Ётган жой-лари нурга тўлсин, деб дуо қиламиз. Ҳамиша тўғри йўлни кўрсатиб келганлар. Ҳақ амри, ҳақиқатни ҳамма нарсдан баланд қўяр, ким бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни эслатиб ту-рардилар. Биринчи берган ўғитларини ҳеч унутол-майман.

“Аёлингиз қизим, сиз куёвим, аммо оиланинг раҳбари сизсиз. Аёлнинг гапини эшитинг, у билан кенгашинг, майли. Бироқ аёл ожиза-да, ҳамма гапи ҳам тўғри бўлавермайди. Уриб-сўкиб эмас, зўрлик қилиб эмас, адолат билан, ширин гапингиз билан айтганингизни қилдираверинг. Агар доим шунинг гапи тўғри экан, деб юрадиган бўлсангиз, адаша-сиз. Аввал ака-укадан, сал ўтиб, ота-онадан жудо бўласиз. Бу ака-укаси билан ажралиб кетган, ота-онаси ҳолидан хабар олмайди, деб одамлар ҳам сизни менсимай қўяди-ю, элу халқдан ҳам жудо бўласиз. Бундан Худо сақласин”. Бу насиҳатлари менга кўп марта далда бўлиб, рўзгорнинг ҳамма томони аввало менинг зиммамда эканини англа-тиб турарди.

* * *

Нафсни жиловлай билишни, киши ризқини Аллоҳ етказишига қаттиқ ишониш кераклигини ҳам қайнотамдан ўрганганман, десам бўлади. Нарх-лар оша бошлаган беқарор бир паллалар эди. Аёлим билан у кишини кўришга бордик. Йўл-йўлакай ма-ҳалла гузариди сотилаётган нарсага қизиқдик. Нис-батан арзон баҳода — уч сўмдан картошка сотила-ётган эди.

Аёлим: “Арзон экан, олиб кетмаймизми, дада-си”, деб таклиф қилди. Таклиф менга ҳам маъқ-ул кўринди. Қайнотам зиёратларида бўлиб, ҳол-

аҳвол сўраганимиздан кейин: “Бозорда картошка уч сўмдан бўп кетибди”, деб ҳайратимни изҳор қилсам, у киши пинакларини бузмасдан, “Ховлиқманг-лар, — дедилар оҳиста. — Ризқингизни Аллоҳ етказди. Картошканинг донаси 25 сўм бўлганида ҳам со-

тиб олишга қурбингиз етади, Худо хоҳласа”. Бу гапдан кўнглимиз хотиржам тортди. Анча паллагача суҳбатларини олиб, дийдорларига тўйган бўлдик. Шундан кейин мобоодо аелимми ёки болалар, “Мана бу нарса фалон нархга чиқиб кетибди, яқинда яна нарх-наво ошаркан”, деса ҳам, бу менинг кайфиятимни бузолмайди. Бугун картошканинг баҳоси беш юз-етти юз сўм бўлса ҳам, шукр, қозонимиз картошкасиз қайнаётгани йўқ.

Султонмурод ҳожи ХОЛМУРОДОВ, шогирди, Самарқанд шаҳридаги “Хожа Абдударун” жомеъ масжиди имом-хатиби ноиби:

— Қори акада илм аҳлига нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат катта эди. Мана бу воқеани кўпчилик билади.

Етмишинчи йиллардан бошлаб юртимизга араб давлатларидан олимлар келадиган бўлади. Саноклигина уламоларимиз улар билан учрашиб, имкон борича мулоқот қилишади. Шундай мулоқотлардан бири Рамазонда кечади.

Диний идоранинг масъул ходими бир маҳаллада ўтаётган хатмга меҳмонни бошлаб келади. Бу жойда Исмоил қори ака ўғли, набиралари билан хатм қилишаётган эди. Меҳмон атои Худо. Даставвал араб меҳмон хатмни бошлаб беради, кейин идора вакили, сўнг шу маҳалланинг кўзи ожиз қорисига навбат тегади. Исмоил қори акага эса хатмни яқунлаб бериш насиб қилади. Таомил бўйича ҳар бир қори ўзидан олдинги қори биродари қаерда саҳв қилган бўлса, ўша жойни териб-териб, тўғрилаб ўқиб, сўнг келган жойдан хатмни давом эттириши керак. Аммо Исмоил қори ака келган жойидан хатмни давом эттириб, охирида, яъни рукудан олдин қориларнинг хатосини тўғрилаб, хатмини яқунлайди.

Қори аканинг тиловати меҳмонга ҳам кўп маъқул бўлади. Хатмдан кейин ўзаро суҳбатлашиб ўти-

ришганида у: “Нега ўзингиздан аввал тиловат қилган қориларнинг хатосини бошда эмас, охирида тузатдингиз?” деб сўрайди.

Шунда қори ака бундай деган эканлар:

“Сиз меҳмонсиз, идора вакили бошлиғимиз, маҳалла қориси эса шу ернинг одами, қандай сизларни беҳурмат қилишим мумкин? Жамоат аввалги қорилар қаерда хато қилди экан, деб кулоқларини диққайтириб туришади. Охирида эса ҳамма чарчагани боис хатм тезроқ тугашини кутишади. Бошқа нарсага эътибор беришмайди. Сиз қориларга бўлган ҳурматим боис шу йўлни тутдим”.

Буни эшитган меҳмон ҳам, бошқа қорилар ҳам бир овоздан у кишининг олижаноблигига таҳсин ўқийди.

* * *

1981 йил. Бирдан Худо бердию, ўзимизнинг “Хожа Абдударун” масжиди очиладиган бўлди. Масжидга Мустафоқул домла имом-хатиб бўлиб келди. У кишига ноиб керак эди. Бир қанча ёши улур қориларни ноибликка таклиф этиб кўришди, негадир рози бўлишмади. Шунда имомимиз судрагудек қилиб мени ўзига ноибликка тайинлади. Мен: “Бу ишларингизга ҳозир “ҳа” ҳам, “йўқ” ҳам дея олмайман. Тошкентга устозимиз Исмоил қори аканинг олдига бораман. У кишининг маслаҳатига кўра бу вазифани қабул қиламан ёки йўқ”, дедим-да, Тошкентга йўл солдим. Вазиятни қори акага айтган бўлдим.

Устоз: “Жуда оғир вазифа елкангга юкланаётган экан. Албатта, ўқиб илмли бўлгандан ке-йин халққа, юртга, жамиятга хизмат қилмасанг, бу илм нимага керак. Масжид имомига ноиб бўлиб хизмат қилишингга мен қарши эмасман. Лекин баъзи қоидаларга амал қила олишга кўзинг етсагина, ишни бошлайвер. Биринчидан, имом ноиби бўлдим, дея кибрга берилмайсан. Ҳозир қандай бўлсанг, ўзингни ҳаммиша шундай тутасан. Иккинчидан, маросим бўлса-бўлмаса, унга чопмай, беш маҳал намоз вақти масжидда бўласан. Учунчидан, қавмларни буниси бой, униси камбағал деб ажратмайсан. Берган бермаган нарсасига қарамай, ҳар бир ишни Аллоҳдан билиб, ҳаммасига бир хил хизмат қиласан. Агар шуларни қилолсанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан. Икки дунё юзинг ёруғ бўлади. Бўлмаса ҳозироқ бу ишни йиғиштирганинг маъқул кўринади”, дедилар, кейин оқ фотиҳа бердилар.

Бу билан ҳам кифояланмасдан 1982 йили Рамазонда Тошкентдан Самарқандга алоҳида келиб, ишимни кўрдилар, имтиҳон қилгандай бўлиб, ўн кунлар ёнимда турдилар.

* * *

1990 йили Рамазоннинг файзи футухи мен учун бошқача бўлди. Қори акам Тошкентдан келиб, ўн кун масжидимизда хатмга ўтиб бердилар. Кетаётган кунлари уч-тўрт масжид фаоллари гувоҳлигида олдимга пул қўйдилар. “Қавм кўпа- йиб, масжид хонақоҳи кичкина бўлиб қолибди. Орқа томонида озгина жой бор экан, шу ерга бинони чўзиб, яна бир хонақоҳ курса бўларкан, бу шунга”, дедилар.

Шундай қилиб Самарқанд шаҳридаги “Хожа Абдуларун” жомеъ масжиди намозхонаси кенг-айди. Янги қўшилган жой тошкентлик Исмоил қорининг маблағи ҳисобига қурилди. 1991 йил баҳорида шаъбондан рамазонга ўтар кечаси илк бор таровеҳ намозини шу ерда ўқидик. Ўша Рамазонда ҳам ўн кун қори аканинг ўзлари ёнимизда бўлиб, илму ўғитлари билан масжидимиз қавмини кўп хурсанд қилдилар.

Тошкентга қайтарда, “Самарқанд билан энди тоабатда хайрлашиб кетяпман”, деб биз билан хўшлашдилар. Кўп ўтмай қаттиқ оғриб қолдилар. Ҳар жума куни Тошкентга тушиб, зиёратларига борардим. Охирги жума борганимда “Иним Султонмурод бу сафар жума намозини Самарқандда ўқиб, душанба куни Тошкентга келинг”, дедилар. Душанба куни борганимда эса жанозаларига қатнашимизга тўғри келди... Илоҳим, охиратлари обод бўлсин.

Абдуқаюм ҲИКМАТ, шогирди, Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги маданият ва ўқув маркази ўқитувчиси:

— Баъзилар: “Қори акага ҳадеб савол бераверманг, уришиб берадилар”, дейишарди. Ҳеч ҳам ундай эмас экан. Балки тоши енгил, сўрамаса ҳам бўладиган арзимас нарсаларни сўраш, савол берувчиларнинг «қитмирлиги» газабларини келтирган бўлса ажабмас. Мен Қуръон маъноларини билишда устозни турли-туман ҳаётгий, фалсафий, ҳатто сиёсий саволларга кўмиб ташлардим. Бирон марта оғринганларини кўрмаганман. Балки чиройлари очилиб: “Сиз мулла йигит, оз ўқигансиз-да, Қуръонни олиб, уч пора ўтказиб, фалон бетини очинг, фалон қаторнинг бошидан ўқинг”, дердилар. Мен ўқир, у киши таржима қилар, ана шу таржимада ҳар қанақа саволимга аниқ-тиниқ жавоб бўларди.

У киши: “Китобдан бир саҳифа ўқисангиз, сизга бир қатори маъкул бўлса, таъсир қилса, ўша жойни қайта-қайта ўқинг, эсингизда сақлаб қолишга ҳаракат қилинг, илм шундай йиғилади”, дердилар. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом):

“Такрорлашда ҳикмат кўп”, деган ўғитларини қори акам ўзларининг дарс бериш усулларига айлантирган эдилар.

* * *

Хорижда таҳсил олаётган эдим. Таътилда келсам, домлани бетоб деб эшитдим. Зиёратларига шошилдим. Олдиларига кирсам, аҳволлари ҳақиқатдан ҳам оғир эди. “Яхши бориб келдингизми, Арабистондан қандай китоблар олиб келдингиз?” дедилар. Келтирган китобларимни айтдим, “Йигирма жилдлик “Тафсири Қуртубий”ни кўрмаган эдим”, дедилар бир оғиз. “Қори ака, келтириб бераман, кўрасиз”, деб чиқиб кетдим. Ўша куниёқ келтирдим. Кўриб, хотиржам бўлибдилар.

Мендан қизиқиб сўраган сўнгги нарсаси ҳам китоб бўлган устозни ҳар сафар эсласам, кўнглим ёришади.

Сўнгсўз

Исмоил (Исмоғил) қори Исмоил сўфи ўғли эътиқод эркинлиги таққиланган, имонсизлар ҳукмрон бўлган оғир замонда имкони борича бошқаларни ҳам ҳақ йўлга бошлади. Солиҳ фарзандлар, шогирдлар қолдирди.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Қуръон қориларига бундай хушхабар берадилар: “Қиёмат куни қабр очилганида Қуръон ўз соҳибига мадорсиз, юзи оқарган кишига ўхшаб йўлиқади ва унга: “Мени танийсанми?” дейди. У: “Танимайман”, дейди. Шунда Қуръон: “Мен сени чошгоҳ иссиғида чанқатган ва кечалари бедор қилган дўстинг Қуръон бўламан, албатта ҳар бир тожир ўз тижоратининг пайида бўлса, сен бугун бугун тижоратларинг кетида бўласан”, дейди ва мулк ўнг қўлига ва боқийлик чап қўлига берилади. Бошига виқор тожи кийгизилади, ота-онасига бу дунё қийматига тенг бўлмайдиган олий қийматли кийимлар кийдирилади. Шунда улар: “Нима учун биз бу кийимларни кийдик?” дейишади. “Фарзандларингиз Қуръонни ёд олгани сабабли”, дейилади. Сўнг қорига ўқи ва жаннат даражалари ва хоналарига кўтарил, деб айтилади. Ҳофиз Қуръонни тез ёки секин ўқишидан қатъи назар, ўқигани сари кўтарилиб бораверади” (Имом Аҳмад ривояти).

Имом Хаттобий дейди: “Қуръоннинг барча оятларини эгаллаган киши охиратда жаннат даражаларининг энг чўққисига эга бўлади”.

Олмазорлик Исмоил қори оғамизга ҳам жаннатда шундай даражалар берилишини Аллоҳдан ўтинамиз.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ



Бибихоним масжиди

Амир Темурнинг улкан салтанатига пойтахт бўлган Самарқанд марказидаги муҳташам Би-

лан жозибатор безатилган жомеъ масжиди ва мадрасадан иборат.

Аmmo бу улкан иншоот босқинчилар ёвузлигининг эмас, қурувчилар шуҳратпарастлигининг қурбони бўлган. Шарқда энг йирик ибодат-

хона қуришни бошлаган меъморлар бино ҳажмини тинимсиз кенгайтириб бўлмаслигини, маҳаллий қурилиш ашёлари-

иборат мажмуадир. Миноралар “булғор” усулида, худди пиёз шаклида кўтарилган.

Қул Шариф Қозоннинг бош масжидидир. У Қозон Кремлининг ғарбий томонида, собиқ юнкерлар билим юрти ҳовлисида жойлашган. У Кремл мажмуига яқин жойда қурилганининг рамзий маъноси бор: Татаристондаги икки асосий дин — Ислom ва православия вакилларининг азалдан тинч-тотув яшаб келганларига ишорадир.

Аввалда ёпилиб қолган масжид 2005 йили Қозоннинг минг

ДУНЁГА МАШҲУР МАСЖИДЛАР

бихоним масжиди исломий меъморликнинг шоҳ асарларидан саналади. Унинг қурилиши ҳақида бир-биридан гўзал ривоятлар сақланиб қолган. Ўн тўртинчи аср охирида у улкан салтанатнинг бош масжиди эди. 1404 йилда Самарқандда бўлган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бу масжид ҳақида “Подшоҳ Темур ҳозиргача қурдирган биноларнинг энг ажойиб эди”, деб ёзган. Ўрта аср тарихчиси эса “Бибихоним масжиди гўёки миноралари юксаклигидан дунёга мағрур нигоҳ ташлар эди”, деган ёзувларни қолдирган.

Бибихоним жомеъ масжиди ҳақиқатан Ислom оламида ўзидан олдин ва кейин қурилган биноларнинг энг улуғвори ва кўркемидир. Амир Темурнинг суюмли хотини шарафига 1399-1404 йилларда тикланган масжид Ўрта Осиё меъморлик санъатининг шоҳ асари ҳисобланади. У кошнлар, тарашланган мрамрлар, бўяма нақшлар би-

нинг хусусиятини эътибордан четда қолдиришган эди. Усталар гишт ва қоришма сифатини қанча яхшиламасинлар, бино гумбази асосини қанча кенгайтирмасинлар, барибир ишлари “ҳавода муаллақ осилиб қолди”. Зилзилалар чоғида гумбазлар вайрон бўлиб, масжиднинг саккиз қиррали мақбарасигина омон қолди, холос. Ҳозирда масжид батамом таъмирдан чиқарилиб, ўзининг аввалги маҳобати ва кўрки билан намоён бўлди.

Қул Шариф масжиди

Татаристон пойтахти Қозон шаҳридаги Қул Шариф масжиди ҳам дунёга машҳур ибодатхоналардан саналади. Масжид Қозонни руслар эгаллагани муносабати билан ёдгорлик сифатида тикланган. Меъмор Синон лойиҳасига биноан қурилган усмоний масжид-мадраса атрофини тўртта минора ўраган, тўрт бурчида кичикроқ гумбазчалар ва ўртасида улкан гумбаздан



йиллиги шарафига тантанали равишда қайта очилди. Қул Шариф масжиди мажмуига Волгабўйи (Булғория) Ислom маданияти музейи, қадимий қўлёзмалар тадқиқоти музейи ва улкан кутубхона киради.

Аҳмад МУҲАММАД

тайёрлади.

Халқимизнинг адабиётга, айниқса шеърятга меҳри бўлакча. Шу боис шоирларини ардоқлагиси келади. Тақдир экан, кейинги беш-ўн йил ичида сўзи ўткир бир қатор шоирларимиз билан видолашдик. Барчаларини Аллоҳ раҳматига олсин. Куйида марҳум шоирларимиз ижодидан намуналар ўқийсиз.

Сени топмоқ йўли доим топинмоқ

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Машириқдан мағрибгача

Маширик юртидан мағрибга қараб
Юраверсанг пойи пиёда,
Юраверсанг яшнаб ва яйраб,
Ўзга ният бўлмай дунёда,
Юраверсанг кўринмагунча
Макка деган муқаддас даргоҳ,
Узатганча даста гул-ғунча
Кутиб олса сени Байтуллоҳ,



Бундан ўзга толе бормикин?
Менга шундай толе ёрмикин...

Яхши хабар

Тонг саҳардан ёғиб ёмғир,
Томчи-томчи уриларкан деразамга,
Хаёлимда зўр ҳарорат
Югургандай бўлди бор вужудимга,
Бутун танамга.
Яйраб кетдим қўлга кирган каби зафар.
Чунки ёмғир ер аҳлига
Аллоҳимдан келган салом —
Яхши хабар.

Шукронам буюк

Қалам бердинг менга, Аллоҳим.
Шукронам буюк.
Инсофни ҳам, имонни ҳам
Ҳамишалик бергин, Аллоҳим,
Эл ичида бўлайин суюк.
Амр айлагин Сен қаламимга,
Тўғри йўлдан четга чиқмасин.
Элнинг қувончига, камига
Қўша олсин эзгу ҳиссасин.
Ҳақиқатни дейин ҳамиша,
Йироқ бўлай ёлгон ёзмоқдан.
Ҳалолликни айлайин пеша,
Ўрин олай мен ҳам ужоҳдан...

Шавкат РАҲМОН

Хаёл

Дунё...
дунё...
кўп қадим дунё...



на туби бор, на чегараси.
Сомон йўли бузилган зиё —
сайёранинг тилло зарраси.
Хаёл ўсган ёруғ лаҳзада
эхтиёт бўл фосиқ дунёдан,
Йиқилмагин оний ларзадан,
самоларга талпинган одам.
Эҳтиёт бўл
номард жўрангдан,
синаб кўриш учун дошингни
олмасин-да тағин мўлжалга
пистирмадан ёруғ бошингни.

* * *

Чақин бўлма,
бўлма гулдирак,
ердан кўпам узоқлаб кетма.
Овозингни йиртмагин бекор,
Ерни кучма — қулочинг етмас.
Ундан кўра бирор одамнинг
Макони бўл — ирмоқли, сойли.
Шамолларни тўсган тоғи бўл,
Осмони бўл — юлдузли, ойли.

Хўрсиниқ

Тоғ хўрсиниб юборди оғир —
Водийларга югурди шамол,
Юзларини яширди ҳилол.

Тоғ хўрсиниб юборди оғир,
Теран хобдан уйғонди юрак,
Тоғлар каби хўрсинмоқ керак.

* * *

Узум йиғлар,
йиғлар буралиб,
йиғлайверар қишгача дилдан,
биллур каби мўлдир турланиб,
кузда дўнар олтин шингилга.
Поёни йўқ куз оғушида
қандай гўзал йиғлайди узум!
Шундай бўлар ҳақиқий йиғи,
Кўриб қўйгин,
эй ношуд кўзим!

Аъзам ҲУТАМ

Қаноат

Асл айбим —
 Текис йўлда қоқинмоқдир.
 Асл бахтим —
 Ўзинг кўрмай соғинмоқдир.
 Еру кўқдан мудом излаб
 Хато қилдим.
 Сени топмоқ йўли
 Доим топинмоқдир.

Маслаҳат

Эй кўзимнинг қораси — қизчам,
 Рўмолча тўқишдан кўраям
 ўргангил ярани боғлашни.
 Эй кўзимнинг оқи — ўғилчам,
 кўп яхши ер чопишинг, бироқ
 қабр қазмоқни-да ўрганиб қўйгин.

**Зарба**

Нафис шарпа
 қаттиқ урилди юзга.
 Ногоҳ бир жимирлаб
 Кетди ич-этим.
 Бу ахир ўртадан
 Сездирмай бизга
 Кўтарилиб кетган
 Парданинг чети.

Ибодат

Тоғлар сомеъ бўлиб ўлтиришар жим,
 Такбир айтган чоғи гулдираб само.
 У янглиғ муножот қила олур ким,
 Ёмғир бу пичирлаб қилинган дуо.
 Ел йиғлар ер тирнаб, тупроқ сесканар,
 Майсалар қалтираб қилурлар сажда.
 Дуолар ижобат бўлган саналар,
 Кун нурлари бундан келтирар мужда.

Учоқда

Баландлик беш минг қақирим,
 Ваҳм босар бирдан юракни.
 Инсон нима — синса бир мурват,
 Ҳамма нарса қолар,
 Ҳеч нарса қолмас.
 Тилимга сўз келмас
 “Ўзинг асра!”дан бўлак.
 Ибодат қилолсайдим бир умр шундоқ...

Ишқ ҳаққи

Ажаб, дил шод бўлур тинглаб
 Қиёматдан хабарларни.



Тобора шавқим ортгайдир
 Сезиб келгич хатарларни.

На роҳат, на азоб боис
 Сен айтган йўлга кирмишман.
 Шу ишқ ҳаққи, хатарсиз қил
 Ўзинг сори сафарларни.

Қайтиш

Энам ўхшаб қолди болага
 Нукул ўйлар қабрни
 Қабрни ўйлар энам,
 Тўйи яқин қолган келинчак
 Бўлғуси уйини қандоқ безатиш—
 Ясатишни ўйлаб энтиккан каби...

Унутма

Меҳмонсан беш кунлик дунёда,
 Уч кунгина иззатинг.
 Мезбон измидасан
 Шу уч кунда ҳам.

Равшан ФАЙЗ

Мажнун*Маъмуржонга*

Зоринг бор, зўринг йўқ — замона зайли,
 Кучинг кўз ёшингга етди-ку фақат:
 “Розиман, яхши бор, бахтли бўл, майли,
 Кўксимда сизмаган улкан муҳаббат”.

Тун эди. Ҳовлида намозшомгуллар
 Тонггача беш марта — “тез ёрдам” кутди.
 Қўрқувдан оқариб кетганди саҳар,
 Намозшомгуллари сени сир тутди.

Кундуз сени шамол излади дайдиб,
 Юлдузлар мисоли сувга тушган чўғ.
 Балки ой... Булутлар кўчаётган пайти —
 Ҳеч нарса кўрмайди. Айтолмайди, йўқ.

Дўстларинг ахтарди овутигани ё
 Шунчаки ўтирмақ гирдида жимжит:
 “Сен уни қаерга яширдинг, дунё,
 Қани у, сочлари жингалак йигит?”

Хона тор. Ҳаво дим. Дераза очик.
 Учинчи қават-у, қилт этган ел йўқ.
 Ҳамма шивирлайди: “Сал телба ошиқ”,
 Юрагимда қолмиш севги солган чўғ.

Отаси, онаси, холаси тугул
 Остонасин ҳеч ким босиб ўтмас тик.
 Фақат шу хабарга қувонинг бугун:
 Дунёда Маъмур бор — Мажнунлар тирик.

Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат таниқли ўзбек маърифатпарвар олими, адиби ва матбаачиси. У кўпгина мамлакатларда бўлиб, бир неча тилларни ўрганган. Наманганда 1912 йилда “Матбааи Исҳоқия” босмаҳонасини очиб, китоблар чоп этган. Унинг “Мезонуз замон”, “Тарихи Фарғона”, “Жомеъул хутут” каби бир неча асари бор. Куйида Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асаридан Марғилон (Фарғона) тарихига доир айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли ИБРАТ

ФАРҒОНА ТАРИХИ



“Низомут тарих”и Қозийи Байзовийдан “Равзатус сафо” ҳикоя қиладур: бу Фарғонани обод қилган Қайқубодни мақарри ҳукумати Жайхун дарёси лабида эди. Турклар илан муҳораба қилиб ўткан эдики, луғати паҳлавийда Жаббор демақдурки, Кубод ва Афросиёб вақтида

Фарғона бино бўлган бўлса, ҳазрати Сулаймон вақтлари экан. Ҳазрати Сулаймон хилқати Одамдан беш минг йил кейин эди. Алҳолда хилқати Одамдан етти минг тўрт юз йил кўброқ ўтди. Бул ҳисобда Фарғонани бино бўлганига икки минг беш юзларга яқин бўлса керақдур. Баҳарҳол бу Фарғона Кубод, Нўширвон, Афросиёб ва Искандарлардан қолгон эски шаҳарлиги маълум бўладур...

Фарғона бир шаҳри қадим ва аҳолийи надимдурки, аввало Искандари Румийдан ва Кубоду Афросиёбдан қолгандур.

“Равзатус сафо”да Нўширвон атоси Кубод подшоҳ вақти вафотига яқин Туркистон мамлакатини Нўширвон ўғлига тайин қилиб, Фарғонани аксар жойларини ул обод қилган экан. Кубони Кубод ўзи бино қилган экан. Фарғонанинг пойтахти ул вақтда Кубо экан.

Алҳол Фарғонага таърихларда қўб сўзлар ёзилган экан. Бу жумладан таърихи “Мулҳақотус Суруҳ”да иборати арабий илан бу тариқа ёзилубдур:

“Фарғона мамлақати ҳосилдор ва кенг диёр, боғлари неъматга тўла, қишлоқлари соз, ҳавоси тоза, мевалари баракали, мазорлари муқаддас бўлиб, унда тоғ бор. Сулаймоннинг (алайҳиссалом) вазири Ибн Бирҳиёнинг мозори шу ерда, баъзилар айтишича, Қутайба ибн Муслимнинг мозори ҳам Фарғонада, Клуч қишлоғида. Яна Сафид Билон деган жойда шаҳидлар қабри бор. Улар амирулмўминин Усмон ибн Аффон томонидан Муҳаммад ибн Жарир бошчилигида юборилган бўлиб, сони 2700 тадир...”

“Ажойибул булдон”да мастурдики, Фарғона иборати “ҳар хона” дир. Ҳазрати Искандар замонларида ақсоийи шарқга борганларида Фарғона ерида бир-икки форсistonдан муҳожир бўлиб келиб ўлтурган бечора, деҳқон бодйанишинлар бор экан. Подшоҳга арзи аҳвол қилмоқ бўлуб, пешкаш учун нону туз ўрнига бисотларидаги товукларини пишируб, ҳазрати Искандарга тутган эканлар. Анда ҳазрати Искандар савол қилубдирилarki, бу нимадур, деб. Анда арз қилғувчилар форсий лафзда жавоб берибдурларки, мурғу нон, яъни, товук бирлан нон деганларида, подшоҳ Искандар, арзларинг нимадур, деганларида: “Арзимиз, бул тургон жойимизни шаҳар қилиб берсангиз!” деганларида, умаролари ичидан бир бофаросат соҳиби ақл кишини таъйин қилиб, шаҳар қилмоқга амр қилган эканлар. Ул кишини оти Фарғона баҳодир экан. Ул киши неча йиллар ҳаракат қилиб, ҳар шаҳардан ва ҳар хонадан одам олиб, ўтқузуб, оти “ҳар хона” деб қўюб, “ҳархона”ни “Фарғона” ўқуб, Пархона, Парғона деб ўқуб ва ҳам ул муассис кишини исми қавийроқ бўлуб, Фарғона шуҳрат топган.

Аммоки аҳволда «Мурғу нон» дерлар, ўшал товук илан нон тутган ердур, Марғинон шаҳри исми бўлуб, Фарғона умумий иқлимга исмдур. Чунончи, мунга далил Марғинонда подшоҳ Искандар деган ийдгоҳ мазор бордур, ул киши тушган ерлардур.

Таърихи ҳижрийини тўқсон тўртинчи ва тўқсон еттинчи (саналарида) Ислом тарафидан футухот ўлуб, имом Қутайба ибн Муслим келиб, Бухоро ва Самарқанд, бўлак мамлақатни бутун исломобод этиб (эди). Бу шаҳарлардан қўб уламо ва фузалолар чикмиш эканлар. Булардан соҳиби “Ҳидояи шариф” Марғилондан, машоҳири сўфиондан Абу Исҳоқ ибн Иброҳим Кубовий чиқиб (эди).

Аммо Фарғона музофотни исми бўлуб, ҳар асрда маркази ҳукумат, яъни, пойтахт бир ерда махсус бўлуб, ўзгалари анга тобеъ бўлур экан. Чунончи, мўғуллар асрида Кубо ва Аҳси пойтахт бўлуб, мусулмонлар асрида Марғинон пойтахти Ермозор бўлуб, Андижон пойтахти Асака бўлуб, Наманган



пойтахти Тўрақўрғон бўлуб, ҳар ерда ҳавоси тоза, суйи покиза ерларни ҳоқимлар маркази ҳукумат мулки қилиб ўтар эканлар. Ёзги ўрда ва қишки ўрда деган-дек.

Хайри ҳосилул калом, бугунги Марғинон гоҳи пойтахт ва гоҳи расмий шаҳар бўлуб, ҳазрати Искандардан ва Нўширвондан ва Кубоддан ва Афросиёбдан қолган бир эски шаҳар бўлиб, эмдиги вақтларда

Русия давлатига тобе бир волийлик ер бўлиб, Туркистон вилоятини музофотга тақсим қилганда тўрт облўстнинг бири Фарғона облўсти бўлуб, бир военный губернотур идорасида бўлуб, бу Фарғонани уёзга тақсим қилганда беш уёз бўлуб, Хўқанд, Марғилон, Андижон, Наманган, Ўш шаҳарлари бўлуб, Фарғонага тааллуқ шаҳарлардур.

Хайрул калом, Фарғона бир мамлакати қадим ва аҳолийи надим ўлуб, аввали вақтларда мўғилиядин сўнг даъвати исломияга мушарраф бўлгандин сўнг Фарғона аҳли ҳамма ислом ва сунний мазҳаб бўлуб, бу аҳолининг саноатлари бўлур эрдик, ҳар санада неча минг сўмлик мансужот ипак, атлас, адрас, беқасаб ва шоҳи атрофу акнофга тарқалмоқда эди. Бухородан то Ҳиндистон ва Арабистонгача бу Фарғона ашёлари жорий эди. Бу Фарғона аҳлида бир хил гиламлари бўлурки, исмини ҳидиршоҳий дерлар, қийматда, рангда, маҳкамликда ва тозалиқда қошғар, қипчоқ, қирғиз ва қорақалпоқ гиламларидан икки чанд баҳода сотилур ва Русия давлатига ўтгандан сўнг бу ишлар ҳам чандон ривожда бўлуб, тижорати тараққий топди. Аммоки, илмия тўғрисида биз халқда чандони аҳамияти йўқ, таназзулда турур, бўлак фирқаларни илмдан топган даража ва маданиятларини кўруб туруб, ҳеч ҳаракат қилмайдулар. Илми асоси маишат эканини таҳқиқ ила билганлари йўқ! Бу сабабдан омилари кўб, ишларинда аҳамият йўқ, таваккул илан қоринлари тўқ! Маданият учун ҳар қайси вақтдаги замони илмини қайси бири ривожда бўлса, ани билмак зарурдур, мунга ҳукумат монеъ эмас, балки ҳукуматдан бул тўғрида мактаблар очилуб, халқни тарғиб этарлар, булар қочарлар, умрларини елга сочарлар, билмам, қачон кўзларин очарлар. Ва, алҳосилки, буларда илмга аҳамият йўқлик учун бу халқимиз нодон, омийларимиз кўб бўлуб, авлодлари ўйинкулгига машғул бўлуб, умрни арзон ўйунга сарф этуб, бовужуди бу мамлакатга жойдор, мусофир бўлмасалар ҳам, мусофирларидан маишатда ноқисдирлур. Ва аксар аҳолини аҳволи қарз балосига мубталодурлар. Шояд мундин буён саодат ва фазилят қадрини билсалар!

Манба:

Ибрат. “Тарихи Фарғона”, Тошкент, “Камалак”, 1991 йил, 276-285-бетлар.

Аҳмад ФОРУҚИЙ

ЯХШИ АМАЛЛАР ҲАҚИДА

Қуръоний оятларнинг аксарида жаннатга кириш солиҳ амаллар қилишга боғлиқ экани баён этилган. Хўш, жаннатга кириш учун солиҳ амалларнинг барчасини, бирортасини қолдирмай адо этиш керакми ё уларнинг баъзисини адо қилиш кифоями? Агар уларнинг ҳаммасини адо этиш лозим бўлса, бу ўта қийиндир. Жуда оз кишиларгина бунга муваффақ бўлишади. Агар уларнинг баъзиларини адо этиш кифоя бўлса, улар қайсилар? Бу очиқ баён этилмаган.

Аллоҳ таолонинг фазли ва инояти билан фикримга келдики, улар Ислонинг беш рукнидир. Агар Ислонинг беш асоси мукамал адо этилса, нажот ва муваффақият муқаррардир. Зеро, улар аслида солиҳ амаллардир ва ёмонликлардан тўсувчидир. **“Намоз бузуклик ва ёмонликлардан қайтаради”** мазмунли ояти карима бунинг далилидир. Ислонинг беш асосини адо этиш билан Аллоҳ таоло берган неъматлар шукронаси адо этилган бўлади, деб умид қиламан. Шукр қилиш билан азобдан нажот топилади. **“Агар шукр қилсангиз ва имон келтирсангиз, Аллоҳ таоло сизларни нега азобласин”**. Шунинг учун динимизнинг беш арконини, хусусан, динимиз таянчи — намозни имкон қадар барча одобларига риоя этган ҳолда адо этишга тиришиш лозим. Намозни мукамал адо этиш билан нажотга эришилади. Аллоҳ таоло муваффақ қилсин.

Хожа Бухорий номидаги Ислон ўрта-махсус билим юрти мударрисси
Махтумқули ТОШҚУЛОВ
тайёрлади

Акмал АВАЗ

ТИБ ҲУКМЛАРИ



Савол: Даволаш мақсадида ўтказиладиган куйдириш амалиётининг ҳукми ҳақида тўхталсангиз.*

Жавоб: Агар бунга зарурат бўлса, бемор соғлиғига фойдали бўлса, рухсат этилади.

Савол: Шифокор ва ёрдамчилари қандай сифатларга эга бўлиши керак?

Жавоб: Шифокор ва ёрдамчиларидан ҳам барча мўмин-мусулмонлардан талаб этилган фазилатлар, одоблар талаб этилади. Жумладан, тўғрисиўзлик, ваъдага вафо, хушмуомалалик, беморга насиҳат қилиш ва маслахат бериш, сир сақлаш.

Савол: Бемор ҳолига салбий таъсир этса-да, унинг ҳақиқий ҳолатини ўзидан яширмаслик ҳам тўғрисиўзликка кирадими?

**(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)*

Жавоб: Ҳа, албатта. Лекин буни беморнинг яқинлари орқали ҳам қилиш мумкин. Улар бу ишни муносиб тарзда амалга оширадilar. Беморнинг ҳақиқий аҳволи сир сақланган бўлса, бемор васият қилиш, бошқалар билан молиявий муносабатларини тартибга солиш, савобли амалларни кўпроқ қилиб қолиш имкониятидан маҳрум этилади. Бу нарса мумкин эмас. Лекин баъзи вазиятларда шифокор беморга доир маълумотларни сир тутиши лозим. Масалан, бемор шифокорга касаллиги тарихини билдириш мақсадида ўзи бошидан кечирган “саргузаштлар”ни сўзлаб берган бўлса, бундай маълумотларни ошкор қилиш беморга ё маънавий, ё жисмоний, ё молиявий зарар етказиши мумкин. Ибрат тарзида сўзлаб беришга тўғри келганида эса, бемор исмини сир тутиш керак. Аммо сирнинг сирлиги қолмаса ёки маълумот сир тутилганида ошкор этилганидан кўра каттароқ зарарга олиб келса ҳамда сирнинг ошкор этилиши бемор учун фойдали бўлган ёки беморнинг ўзи ошкор этишга рухсат берган ҳолатлар бундан мустаснодир. Беморга доир маълумотлар асоссиз талаб этилган ҳолатда охириги чора сифатида шифокорнинг ёлғон сўзлашига рухсат этилади.

Савол: Эр ёки хотин хавфли юқумли касалликка чалинган. Бу ҳолда шифокор иккинчи тарафни огоҳ этиши керакми?

Жавоб: Албатта, чунки касаллик бутун оилага тарқа-

ши мумкин, кўпчиликнинг манфаати бир кишининг манфаатидан устун қўйилади.

Савол: Касалликнинг юқиши бор гапми?

Жавоб: Ҳа, юқиш бор нарса, ундан сақланиш лозим. Чунки Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадисларида моховдан шердан қочгандек қочишни буюрган бўлсалар, бошқа бир ҳадисларида вабо тарқаган ерга кирмасликни, агар кирилган бўлса, чиқмасликни буюрганлар (*Имом Бухорий*).

Савол: Беморларга динимиз қандай энгилликлар берган?

Жавоб: Беморларга берилган энгилликлар ҳақида фикҳ китобларида батафсил баён қилинган. Жумладан, таҳорат ва гуслда, намоз ўқишда, рўза тутишда, ҳаж қилишда энгилликлар берилган.

Савол: Шифокор мусулмон бўлиши шартми?

Жавоб: Динимиз мусулмонлар ичида барча соҳаларда етарли етук мутахассислар бўлишини талаб этади. Бироқ, бахтга қарши, маълум бир соҳада етук мутахассисга эга бўлинмаса, бу соҳада ўз билими ва тажрибаси, инсонпарварлиги билан танилган ўзга дин вакилига мурожаат этишга рухсат берилган. Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккага ҳижратлари пайтида Бани Дайл қабиласидан бир мушрикни йўл кўрсатувчи қилиб ёллаганлари бунга далилдир (*Имом Бухорий*). Бироқ унинг ибодатга тегишли масалаларда берган маслахатларига эҳтиёт бўлиб ёндашиш керак.

Савол: Ишончли шифокорлар камёб бўлган пайтда кимдан маслаҳат олган маъкул?

Жавоб: Бундай пайтда ўша шифокорлар ичидан нисбатан маъқулроғи танланади. Чунки динимизда “Икки зарардан энгилроғи танланади”, деган қоида мавжуд.

Савол: Беморга қон бериб туриш, яъни, донорлик масаласини ҳам ёритиб ўтсангиз.

Жавоб: Беморга қон бериш динимиз тарғиб этган ишлардандир. Бунда қон берувчининг соғлиғига ҳам бевосита наф бор. Агар ихтиёрий равишда қон берувчилар топилмаса, у ҳолда пул эвазига бўлса ҳам олишга рухсат этилган. Умуман қон олиб, қон беришнинг тўрт шартли зикр қилинади:

1. Қон куйиш ишончли шифокор тавсиясига кўра бўлсин.

2. Бунинг ўрнини босувчи бошқа восита бўлмасин.

3. Қон берувчи зарар кўрмасин.

4. Керак бўлган миқдордагина қон олсин.

Савол: Инсон аъзоларини сотиш мумкинми?

Жавоб: Йўқ, асло. Чунки инсон ўз мулки бўлган нарсаларнигина сотиши мумкин, инсон аъзолари эса инсоннинг мулки эмас, балки шу аъзоларни яратган Аллоҳ таолонинг мулкидир. Бунинг устига, инсон аъзоларини сотиш Аллоҳ азиз қилган зотни хорлаш билан тенг (*Халқаро ислом анжумани, Малайзия, 1969 й.*).

Савол: Шифокор тавсия этган дориларга спирт ёки чўчка каби истеъмоли ҳаром қилинган ҳайвон унсурлари қўшилгани учун истеъмоли қилиш дуруст эмаслиги ҳақида кўп эшитганмиз, динимиз бунга қандай қарайди?

Жавоб: Мусулмонлар бу каби масалаларга кундалик ҳаётда кўп дуч келганлари учун бу ҳақда батафсилроқ тўхталсак.

Аввало, ифлос (нажосат) ҳисобланган нарсалар билан ҳаром қилинган нарсаларни бир-бирига аралаштирмаслик керак. Гарчи улар ҳукмда бир бўлса-да, иккаласи икки хил нарсадир. Ди-

нимизда шундай қоида бор, “ҳар бир нажас ҳаром қилингандир, лекин ҳар бир ҳаром қилинган нарса нажас бўлиши шарт эмас”. Динимизда “нажас” деб эътибор қилинган асосий нарсалар қуйидагилардир:

1. Ўлимтик (қуруқликда яшовчи қони бор ҳайвон назарда тутилмоқда. Уларнинг пати, жуни, шохи, суяги бундан мустасно).

2. Инсон ва ҳайвон ахлатлари.

3. Чўчка, ит каби баъзи ҳайвонлар.

4. Инсондан ва қуруқликда яшовчи ҳайвондан оқиб чиққан қон.

5. Маст қилувчи суюқ моддалар.

Бу нарсаларни ейиш ва ичиш тақиқланади. Лекин ейиш-ичишдан ташқари бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Масалан, ерга ўғит сифатида, ёғлардан совун тайёрлашда ва ҳоказо. Бундай совунлардан фойдаланилгач, ювилган нарса тоза сувда чайиб ташланса, бас. Яна номи зикр этилган нарсалар кимёвий жиҳатдан қайта ишланиш натижасида умуман бошқа нарсага айланиши ва шунга биноан ҳукми ҳам ўзгариши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Бошқа нарсага айланиш деганда, нарсанинг таъми, ранги, ҳиди ва номининг мутлақо ўзгариб кетишига айтилади.

Динимизда ҳаром деб эътибор қилинган нарсаларнинг (*Моида сураси 2-оятга қаралсин*) асосийлари қуйидагилардир: ўлимтик, оқиб чиққан қон, чўчка гўшти, инсон гўшти, эҳромдаги киши овлаган ҳайвон, йиртқич ҳайвон гўшти, бировники бўлган нарса, захар.

Нажас ёки ҳаром деб эълон қилинган нарсаларни ички истеъмоли учун ишлатиш мутлақо мумкин эмас. Қаттиқ зарурат туғилган ҳолатларда эса баъзи шартлар билан

истеъмоли қилишга рухсат этилади. Аллоҳ таоло айтади: **“Энди ким очарчиликда, гуноҳ томон олмаган ҳолида (мазкур ҳаром қилинган нарсаларни ейишга) мажбур бўлса (Аллоҳ кечирар). Зеро, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир” (Моида, 3).**

Шартлар қуйидагилардан иборат: шу нарсада шифо борлиги аниқ бўлиши; уларнинг ўрнини босувчи пок нарсанинг топилмаслиги; бошқа нарсага аралашмаган ҳолида бўлиши; заруратнигина қондирадиган миқдорда бўлиши; маст қилмайдиган озгина миқдорда бўлиши.

Энди ташқи истеъмолга келсак, уларнинг ўрнини босадиган восита бўлмаган ҳолатда улардан фойдаланиш мумкин. Аллоҳ таоло айтади: **“...Ахир У сизларга ҳаром қилинган нарсаларни муфассал баён қилган-ку, магар музтар-ночор бўлиб қолган ҳолларингиздагина (у ҳаром қилинган нарсалардан ҳам ейишингиз мумкин)” (Анъом, 119).** Бунинг устига, улар теккан ерни тоза сув билан ювиб поклаш мумкинлигини ҳисобга олсак, муаммо бутунлай бартараф бўлади.

Алҳамду лиллаҳи Роббил аламин.

Фойдаланилган асосий манбалар:

1. Қуръони карим.
2. Алоуддин Абу Бақр ибн Масъуд Косоний. “Бадаиус сонаиъ”. “Дорул фикр”. Дамашқ, 1989.
3. “Ал фатавал ҳиндийя”. Байрут, 1996 й.
4. Жалолиддин Абдураҳмон Суютий. “Ал ашбаҳ ван назоир”, Байрут, 1989.
5. Зайнул Обидин Иброҳим ибн Нужайм. “Ал ашбаҳ ван назоир”, Байрут, 1992.
6. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Саҳиҳ”, Қоҳира.
7. Муҳаммад ибн Муҳаммад Мухтор Шинқитий. “Аҳқамул жироҳа ат тиббийя”. Жидда, 1994.
8. Муҳаммад ибн Обидин. “Ҳошиятун ибн Обидин”.
9. Муҳаммад ибн Язид ибн Можа. “Сунан”, Қоҳира, 1999.

ИМОМ САРАХСИЙ

Шамсул аимма Сарахсий усулул фикҳ ва фуруъул фикҳ соҳаларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган фақиҳлардан бири ҳиобланади.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Саҳл Сарахсий (вафоти милодий 1090 йил, ҳижрий 490 йил) Хуросоннинг Сарахс шаҳрида дунёга келган. Таваллуд санаси аниқ қайд этилмаган.

Сарахсий ҳаётини қийинчилик билан маҳбусликда ўтказганига қарамасдан, улкан илмий мерос қолдирган. Шихоб ибн Фазлуллоҳ Умрий “Масаликул абсор”да зикр қилишича, Шамсул аимма Сарахсий узоқ муддат етук фақиҳ Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср Ҳалвоний Бухорийнинг хизматида бўлиб, унинг қўлида фикҳдан таҳсил олди ва ўз даврининг бемисл мужтаҳиди даражасига етди. Шундан кейин у китоб ёзишга ва илмий мунозарага киришди ва қисқа фурсат ичида замондошлари орасида шуҳрат қозонди.¹

Шамсул аимма Сарахсий Ўзганд шаҳрида ҳибсда бўлди. Энг муҳим китоби “Ал-Мабсут”ни имло қилди, яъни, бирон-бир манбага мурожаат қилмасдан шогирдларига ёддан айтиб турарди ва улар зиндоннинг устида туриб уни ёзиб олардилар.²

Шамсул аимма Сарахсий усулул фикҳ бўйича қалин икки жилдда китоб ёзган ҳамда “Ас-сиярул кабир”ни шарҳлаган. Шарҳ ҳам икки жилддан иборат. “Усулул фикҳ” китобини ва “Ас-сиярул кабир”нинг шарҳини “Шурут” бобигача зиндонда имло қилади. Шундан кейин ҳибсдан озод бўлади ва Фарғонага йўл олиб, умрининг охиригача у ерда истиқомат қилади. Амир Ҳасан унга ўз манзилдан жой бериб, иззат ва икром кўрсатди. Озод бўлган устозидан хабар топган шогирдлари дарҳол унинг ҳузурига етиб келишади ва шамсул аимма Сарахсий мазкур шарҳнинг имлосини охирига етказди.³

Жумҳур уламолар ва тарожим муаллифлари шамсул аимма Сарахсийга юксак баҳо бериб, унинг даражасини эътироф этганлар. Жумладан, Ҳофиз Абдулқодир ибн Абдулвафо Қураший “Ал-Жавоҳирул музийя”да бундай дейди: “Сарахсий бир қатор фанларни ўзлаштирган катта ва машҳур олимлардан биридир. У калом, фикҳ ва усулул фикҳ илмларининг имоми ва мунозаралари билан за-

мондошлари орасида шуҳрат қозонган аллома эди”.⁴

Абдулҳай Лакнавий Алийул Қорийнинг “Тобақотус санийя” китобидан бундай нақл қилади: “Шамсул аимма Сарахсий Мовароуннаҳрдаги энг катта уламоларимиздан бири, усул ва фуруъ соҳибидир”.⁵

Машҳур фақиҳлар: Бурҳонул аимма Абдулазиз ибн Умар ибн Моза, Муҳаммад ибн Иброҳим Ҳасирий, Маҳмуд ибн Абдулазиз Ўзжандий (Ўзгандий), Рукнуддин Масъуд ва Усмон ал-Байқандийлар ундан фикҳни ўрганишган.⁶

Усмон ибн Али ибн Муҳаммад ал-Байқандий шамсул аимма Сарахсийдан таълим олган шогирдларнинг энг охиригача бўлиб, ҳибсда ушланиб турган устозидан 15 жилддан иборат “Мабсут”ни ёзиб олишда жонбозлик кўрсатган.⁷

Кўпчилик табақот ва тарожим китобларида шамсул аимма Сарахсийнинг қуйидаги асарлари зикр этилади:

1. “Ал мабсут”. Фуруъул фикҳ бўйича 15 жилдда ёзилган энг катта, машҳур ва мўътабар асарларидан биридир.

2. “Шарҳул жомиъус сағир”. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ал-Жомиъус сағир” асарига ёзилган шарҳ.

3. “Шарҳул жомиъул кабир”. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ал-Жомиъул-кабир” асарига ёзилган шарҳ.⁸

4. Усулул фикҳ” (“Усулул Сарахсий”)⁹.

5. Хассофнинг “Ан-нафақот” китобига ёзилган шарҳ.

6. Хассофнинг “Адабул қозий” китобига ёзилган шарҳ.

7. “Ашротус соъа” (“Қиёмат аломатлари”).

8. “Ал-фаваидул фикҳийя”.

9. “Шарҳул мухтасарут Таҳовий”. Имом Таҳовийнинг “Ал-Мухтасар” асарига ёзилган шарҳ.

10. “Шарҳу китабул касб”. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Китабул касб” асарига ёзилган шарҳ.

Сарахсийнинг халқаро миқёсда шуҳрат қозонган асари Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ас-сиярул кабир” китобига ёзган катта ҳажмли шарҳи ҳисобланади. Шайбоний халқаро ҳуқуқ асосий меъёрларини ёритиб бериб, ушбу мавзу бўйича биринчи бўлиб

муҳим илмий асар ёзган эди, лекин афсуски, унинг бу китоби бизгача етиб келмаган. “Ислонда халқаро ҳуқуқ” китобида ёзилишича, ушбу муҳим китобнинг асл нусхаси мавжуд бўлмаса ҳам, тўртинчи ҳижрий асрда Туркистоннинг буюк фақиҳларидан бири Сарахсийнинг унга ёзган шарҳи бугун мавжуд. У асар 1825 йил Оврупада нашр қилинганидан кейин ғарб олимлари Шайбонийнинг илмий мақомини эътироф этишди. Бундан бир аср кейин, яъни 1917 йил Сарахсийнинг шарҳи Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида нашр этилди. Бу ҳанафий мазҳабининг йирик имоми Муҳаммад ибн Ҳасанни бутун ғарб дунёсига яна бир марта танитди. Бу ўринда улуг ватандошимиз шамсул аимма Сарахсийнинг ёзган шарҳи катта тарихий аҳамиятга эга.¹¹

Шамсул аимма Сарахсий Имом Абу Жаъфар Таҳовий, Хассоф, Абул Ҳасан Кархий, Имом Фаҳруддин Қозихон, шамсул аимма Ҳалвоний, фаҳрул Ислон Баздавий, Абу Зайд Дабусий каби ҳанафий мазҳабининг усул қоидаларига асосланган истинбот аҳлидандир.

Ихтиёр БОБОНАЗАРОВ,
Тошкент Ислон университети
2-курс магистранти

¹Доктор Рафиқ Аъжам. “Усулус Сарахсий” (муқаддима). Байрут, “Дорал маърифа”, 1997 й., 1 жузъ, 17-бет.

²Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. “Ислон ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари”, Т., Тошкент Ислон университети, 2002й, 225-бет.

³Қосим ибн Қутлубғо. “Тожут тарожим фий аттобақотул-ҳанафийа” Бағдод, “Мактабатул мусанно”, 1962, 53-бет.

⁴Доктор Рафиқ Аъжам. Кўрсатилган асар, 18-бет.

⁵Абулҳасанот Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. “Ал-фаваидул баҳиййа фий тарожимул Ҳанафийа”, Байрут, “Ширкату дорул Арқам ибн Арқам”, 1998 й, 262-бет.

⁶Абдуҳаким Шаръий Жузжоний. Кўрсатилган асар, 225-бет.

⁷Абулҳасанот Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Кўрсатилган асар, 261-бет.

⁸“Дорал кутубал Масрия” ва “Астона” кутубхоналарида мавжуд.

⁹Мазкур китоб 1993 ва 1997 йилларда Байрутда “Дорал маърифа” нашриётида икки жилдада нашр этилган.

¹⁰Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Муҳр Шайбоний (в.261 ҳ.) Ал-Ҳассоф номи билан шуҳрат қозонган. Халифа ал-Муҳтадийбиллаҳ даврида яшаб ижод этган.

¹¹Абдуҳаким Шаръий Жузжоний. Кўрсатилган асар, 226-бет.

Рисолат АСИЛБОЙ қизи

Сўнмасин хуррият

Тилак

Тоғ ортига юмалар қуёш,
Қизғалдоқзор уфқ — бепоён.
Юрагимдан силқар томчи ёш,
Кенгайгандек бўлар кенг жаҳон.

Ҳаво очиқ бўлсин эртага,
Беғам порлаб чиқсин қуёш ҳам...
Ол уфқни севинч-ла сизга
Ҳадя этгим келди ушбу дам...



Ўғлимга

Шўх-шодоним, тинмас тойчоғим,
Кўрдингми феруза осмонни?
Сенга жўр қушларнинг беозор
Чуғури тутмоқда ҳар ённи...

Митти бир қушчадай титрар жон,
Нимадир юракнинг хурлиги? —
Тош отиб, чўчитсанг ногаҳон,
Бузилар оламнинг бирлиги...



Баҳор

Тагин қирлар узра капалак рақси,
Чечак антикар ишқ елида.
Сойлар чопқиллайди, қалдироқ акси—
Тиниқ суви, лойқа селида.

Эй баҳор, тўлдиргин кўнгил уйимиз,
Томларда варраклар учирай.
Сўнмасин хуррият, севги куйимиз,
Мен уни қалбимга кўчирай.

Тошкент тумани

Эркин МАЛИК

ИНСОФ

Бўлган воқеа

Тоҳир ҳожи мошина ишқи-вози. Бир вақтлар автосервисда ишлагани учунми, минмаган мошинаси қолмаган ҳисоб. Яқинда яна биттасини олибди. Чет элники экан. Юришини кўрайлик, деб бекаларимизни олиб, тоғдаги боғқовлига жўнадик.

Тоҳир ҳожи нимагадир бугунги ёшлардан хафа эди. Орада фарзандларини ҳам қўшиб қўярди: ёшлар бефарқ, лангаса, ҳамма нарсани пул билан ўлчайди, катталарнинг хурматини жойига қўймайди. Инсоф деган нарса қолмади. Муштдайдан тортиб тошдайигача қўлида “сотка”, қулоқларида алламбало мусиқалар...

Хуллас, бора-боргунча дардларини эшитиб кетдим. Куйиб-пишганида жон бор. У ўзини ўйламапти, келажагини ўйлапти. Хоҳлаймизми-йўқми, ёшлар келажагимиз-да, ахир. Қанийди ҳамма ҳам шу ташвиш билан яшаса. Гарчи ҳам-сухбатим баъзи ўринларда ошириб-тошираётган бўлса ҳам, баъзи гапларига қўшилмаётган бўлсам ҳам, қарши фикр айтмадим. Рулдаги одам билан баҳслашиб бўлмайди. Шусиз ҳам асаби таранг....

Қизиғи шундаки, худди Тоҳир ҳожининг гапларини тасдиқлагандек, бизни ҳали ўндан, ҳали сўлдан ёшлар қувиб ўтишарди. Вой бу ҳовлиқмаликлари... Тоғ йўли равон, табиат мафтункор. Енгил мошиналар қалдиғочдек учди. Гумбира-гумбур мусиқа-ашулалар.

Манзилга етгач, у киши хотини билан идишларни олиб, мошинада булоққа сувга кетди. Мен ошга унадим. Ҳожининг қаерда бўлса ҳам, соат бирга етиб келишини билардим. Пешин намозини ўқишимиз керак-да. Соат бирга қараб ошни дамладим. Мўлжал пешинни

ўқигандан кейиноқ дастурхонга ўтириш.

Аммо ҳадеганда меҳмонимдан дарак бўлавермади. Пешинни ўзим ўқидим. Соат икки ҳам бўлди, йўқ. Ош ланж бўлиб кетди. Хавотир олиб, кўчага отланган эдим, ҳартугул келиб қолди.

— Э, — дедим мен, — сизларни талқон еб, сувга жўнатиш керак экан-ку...

— Ошни сузинг, кейин гапириб бераман, ўзиям сиз ёзадиган нарса, — деди у кулиб.

Ошни еб бўлгач, бир пиёла чой устида Тоҳир ҳожи ҳикоясини бошлади.

* * *

«Идишларни сувга тўлдиргач, тоғ манзараларини келингизга тепароқдан кўрсатгим келиб қолди. Бир ерга чиқиб тўхтадик. Мошинани йўл чеккасига қўйиб, чор-атрофни роса томоша қилдик. Сўнг кетайлик десак, мошина юрмайди денг. У ёқ-бу ёғини кавлаштирган бўлдим, аммо бир иш чиқара олмадим. Охири ёши улугроқ бир ҳайдовчини тўхтатдим.

— Эй ака, — деди у кулиб, — биз ҳам сизга ўхшаган “лётчик” миз — ҳайдашни биламиз-у, ўзини тушунмаймиз.

Яна бир кишини тўхтатдим. У ҳам худди келишиб қўйгандек, “лётчик” миз деб елка қисди.

Нима қиларимни билмай, Тошкентга, автоустахонада ишлайдиган ўғлимга сим қоқдим. У бир соатдан кейин бўшагини, сим қоқиб, сўнг етиб келишини айтди.

Шу пайт ёнимиздан шувв етиб битта “Тико” ўтди. Нарироққа бориб, тўхтади. Сўнг тисариб олдимизга келди. Эгаси ёшгина экан.

— Ассалому алайкум, тинчликми, дода?

— Э-э, мана бу савил юр-

май қолди, — дедим уни кўзга илмайроқ.

— Кўрсам майлими?

— Кўрсанг кўр...

Йигитча уни-муни кўрди, мошинанинг тагига ҳам кириб чиқди. Бир пайт мошина гуруллаб ишлаб кетди. Бир-биримизга қараб жилмайишдик. Ҳалитдан бери энди тоғда қолиб кетамизми, деб хуноб бўлаётган хотинимнинг чеҳраси ёришди.

— Баракалла, болам, ёш бўлсанг ҳам, уста экансан, мана бу хизмат ҳақинг, — деб унга пул тутдим.

— Пулингизни олмайман, — деди йигитча, — менга Аллоҳдан инсоф сўраб дуо қилинг.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Гўё йигитча менинг, ёшларда инсоф қолмади, деб қилиб юрадиган иддаоларимни эшитгану писанда қилаётгандек эди.

— Эй болам, ўзинг инсофнинг ичида экансан-у, — дедим ҳайратимни яширмай. — Аллоҳ янада зиёда қилсин, — деб дуо қилдим.

Йигитча қўлини кўксига қўйиб, “Тико”ни учирди-кетди.

Мошина бир оз юргач, яна иш кўрсатди. Бу сафар ёши ўттизлар атрофидаги, янги “Нексия” минган йигит ёнимизга келиб тўхтади.

— Ассалому алайкум, ҳа, отахон?!

— Кўрмайсизми, бир баракка топкур болам ҳозир юргизиб берувди, яна иш кўрсатиб қолди, — дедим саломлашиб.

Йигит бўйнидан бўйинбоғини ечиб, енгини шимариб, ишга тушиб кетди. Афтидан, биладиган кўринарди. “Чет мошинасининг оҳанжамаси кўп-да”, деб қўйди иш орасида. Кийимлари жуда тоза, аммо у парво қилмай, берилиб уннар эди. Шундай йигитни уринтириб қўйганимдан хижолатда қолдим. Лекин йигит қанча уринмасин, машина сира ўт олмасди.

Чўнтагидан телефонини чиқарди. Ким биландир боғланди. Гаплашиб, мошинанинг маркасини айтди. Ҳолатини тушунтирди. “Ҳа, хўп” деб бир жойини

Шайх Хованд Тоҳур мақбараси

очди. Кейин яна бояги одамга сим қоқди. У ёқдаги одам бир нарсаларни тушунтирди. Йигит унинг айтганларини қилиб, мошинани ёқди. Ёнмади. Яна сим қоқди ва энди бошқа жойини ковлашга тушди. Хижолатдан тамом бўлаёздим. Хаёлимда йигит телефоннинг ўзини беш-олти минглик ёқиб юборди-ёв. Вой, барака топкур-эй. Менинг телефонимдан фойдаланинг, деб икки-уч айтдим. Унамади.

Ниҳоят, машина ўт олди. Уч-тўрт марта қайта ўчириб ёқди.

— Ана энди сизни қийнамайди, — деди бақлашқадаги сувда қўлини совунлаб ювар экан. Кейин қўл телефонимни олди-да, унга бир кишининг исми, телефон рақамини ёзиб берди. — Инжиқлик қилса, шу устага учрашинг. Чет мошиналарнинг пири, — деди.

— Раҳмат, мана бунда олиб қўйинг, — деб пул узатдим.

— Йўқ, — деди йигит, йўлнинг иши қийин, шунақада бир-биримизга қарашмасак, қачон қарашамиз. Мен розиман.

— Яхши, — дедим мен, — ҳеч бўлмаса, телефон ҳақини олинг, ҳазилакам ёқдингизми, мени хижолат қилманг, болам.

— Яхшилик қилсанг, бутун қил, деганлар, отахон, — дея самимий кулди йигит ва машинасига ўтириб, жўнаворди».

* * *

— Яратганга тавбалар қилдим, — деди Тоҳир ҳожи бошини эгиб. — Ёшлар орасида тилласи кўп экан. Аллоҳ мени тоққа олиб чиқиб кўзимга кўрсатиб қўйди. Бундан бу ёғига анови болам айтганидек ўзимга инсоф сўрайман.

Тоҳир ҳожининг бу гаплари “Кўпчиликни ўнглайман деган одам, аввало, ўзини ўнғласин”, деган ҳақиқатни ёдимга тушириб юборди.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур (Шайх Хованд Тоҳур) туманида бу машҳур тарихий ёдгорлик Мовароуннаҳрнинг атоқли тасаввуф шайхи ва олими номи билан аталади. Шайх Хованд Тоҳур ҳозирги Бўстонлиқ туманининг Боғистон қишлоғида туғилган. Отаси шайх Умар Боғистоний Аллоҳдан тилаб олган фарзандига Хованд Тоҳур (пок шайх) деб исм қўйган. “Рашаҳот айнал ҳаёт” асарида ёзилишича, у тасаввуф илмининг йирик намояндаси, яссавийлик тариқати пири муршидларидан бўлиб етишган. Бухорода шайх Муҳаммад Порсо билан учрашган. Хожа Аҳрор Валийнинг онаси эса Хованд Тоҳурнинг ўғли шайх Довуднинг қизи бўлган. Шайх Хованд Тоҳур 1359 йили вафот этган ва Тошкентда дафн этилган.

Ўн бешинчи асрдан Шайх Хованд Тоҳур қабри атрофида бошқа қабр ва сағаналар пайдо бўла бошлаган ва у кейинчалик катта зиёратгоҳга айланган. Ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмида шайхнинг набираси Хожа Аҳрор Валий қабр устига мақбара қурдирган. У тиклатган мақбара замонлар ўтиши билан нураб, бузилиб кетган. 18-19 асрларда мақбаранинг эски пойдевори ўрнига ёдгорликнинг ҳозирги иншоотлари барпо қилинган.

Шайх Хованд Тоҳур меъморий мажмуаси учта мақбарадан иборат. Ҳозирда Тошкент Ислом университети ҳовлисидаги бу тарихий мажмуага масжид, икки та ёнма-ён кичик бинодан иборат шайх Хованд Тоҳур мақбараси, XV асрда қурилган Юнусхон ва Қалдирғочбий мақбаралари киради. Мазкур икки хона гумбаз билан ёпилган, гўрхона гумбази қўшқават бўлиб, ўн икки қиррали асосга ўрнатилган.

Зиёратхона меъморлиги ўзига хос хонақоҳдан иборат, унинг саккизта равоқи бор. Дарчалардаги кошинкори панжаралар сақланиб қолган.

Шайх Хованд Тоҳур ёнига дафн этилган Юнусхон ва Қалдирғочбийлар ким эди? Мираҳмад Мирхолдор ўғлининг “Чимкент тарихи” асарида бу ҳақда бундай маълумот берилган: “XVIII асрнинг 60-йилларига келиб, Тошкент ҳокимлари ўзаро урушиб, охири Шайхонтоҳур хожаси Юнусхўжа шаҳар ҳокими қилиб кўтарилди. Шу билан бирга Тошкентда ягона сиёсий ҳокимият ўрнатилди... Юнусхўжа Улуғ жузга ҳужум қилиб, Туркистон ва унинг атрофидан Чу дарёсигача бўлган ерларни Тошкент ҳукумати тасаруфига олди”.

Яна шу асарда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: “Ўрдабосида қозоқнинг уч жузини бошқараётган бийлардан Тўлабий, Қозибекбий ва Айтекебийлар... ўзларининг сўзамоллиги, донишмандлиги, билими билан юртимиз озодлиги, халқларимиз дўстлигига катта ҳисса қўшди. Тўлебий Алибек ўғли қозоқ ва ўзбекларнинг энг севимли ҳокими даражасига кўтарилган. Тўлебийнинг Тошкентдаги мақбарасини ўзбеклар “Қалдирғоч авлиё” (Қалдирғочбий) деб эъзозлашлари бежиз эмас” (“Чимкент тарихи”, Шимкент, 1997 йил).

Аббос АҲМАД
тайёрлади



Хорун ЯХЁ

СОДИҚ ХИЗМАТКОРЛАР

Бу мавжудотлар бошқа ҳайвонларга нисбатан зеҳнлироқ бўлиб, кўлга ҳам тез ўрганади.

Баъзан уларнинг энг яхши ўргатилганларидан пойлоқчи сифатида фойланишади. Пойлоқчи ит ўзидан беш-олти баробар гавдалироқ ҳайвонга бас келиши мумкин. Хавф туғилган чоқда ёввойи ҳайвонга айланадиган итлар эгаларига сира зарар етказмайди. Улар ҳўжайини учун ҳаётини қурбон қилса қилади, аммо мушкул дамда зинҳор ёлғиз ташлаб кетмайди.

Турли ранг, жусса ва кўринишдаги итларнинг юзлаб турлари бор. Бу ранг-баранглик Аллоҳ ҳар бир жонзотни ноёб хислар бериб яратганидан далолатдир. Куръони каримда Аллоҳнинг мислсиз яратувчилиги тўғрисида бундай дейилган: **“Аллоҳ осмонлар ва Ерни пайдо қилувчидир. Унинг жуфти йўқ, қаёқдан боласи бўлсин! У ҳамма нарсани яратди ва У ҳамма нарсани билувчидир. Мана шу Аллоҳ Парвардигорингиздир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ. Магар Унинг Ўзи бордир. У ҳамма нарсани яратувчидир. Бас, Унга бандалик қилинг! У ҳамма нарсанинг устида вакил — муҳофаза қилувчидир”** (Анъом, 101-102).

Болажонлар, сиз ҳеч қачон итларни кўрмагансизлар, деб бир зум тасаввур қилиб кўрайликчи. Итнинг сувратини чизиб бер, деб илтимос қилишса, уддасидан чиқармидингиз? Албатта:

“Йўқ, чизолмайман!” деб жавоб берардингиз. Дарҳақиқат, ҳеч ким, ҳатто катталар ҳам чизолмаган бўларди. Бунинг сабаби биз атрофимизда мавжуд бўлмаган

нарсаларни тасаввур этолмаймиз. Бирор янгиликни кашф этган инсон аслида табиатда кўрганларига тақлид қилган бўлади. Масалан, ҳаво кемалари кушларнинг парвозига тақлидан кашф этилди.

Баъзи роботларнинг шакли инсонни эслатади. Аммо Аллоҳ таоло Ердаги барча ҳайвонларни шаклан ўзгача ва ҳеч нарсага тақлид қилмасдан яратган. Пингвинлар, “ҳайвонлар шоҳи” шер, делфинлар, капалаклар, кушлару арилар — бир-бирига ўхшамаган бу жониворларнинг турфа хиллиги Аллоҳнинг мутлоқ яратувчилик қудрати тенгсиз эканини исбот қилади.

Барча жондорларга нозик хислатлар улашган Аллоҳ таоло итларга ҳам уларни ўзга жонли мавжудотлардан фарқлаб турувчи хусусиятлар ато этган. Масалан, кучуқларнинг тишлари бизникидан ўнта кўп — 42 та. Шу боис улар суякни бамайлихотир ғажий олади. Бу жониворларнинг кўзлари ҳам ўзига хос, шунинг учун улар қоронғуда ҳам анча яхши кўради. Бунинг устига, итлар инсон қулоғи илғамайдиган товушларни эшита олади, чунки уларнинг эшитиш аъзолари одамникидан тўрт карра нозикроқ тузилган.

Итларнинг ҳид сезиш қобилияти эса бизникидан қирқ баравар кучли. Ўлжа исни сезган ит из олиб, овчи отиб туширган ва узокда ётган жониворни топади. Искович итлар инсон фойдаланган бирор буюмдан ис олиб, уни топишга қодир. Сенбернар зотли итлар эса — бу итларнинг дунжи катта ва осилиб тушган бўлади — ҳатто қалин қор остида ётган ярадор одамни бемалол ахтариб топади. Итларга хос фавқулодда билиш қобилияти Аллоҳ таолонинг бир мўъжизасидир. Итга мукамал вужудни инъом этган,

ҳар нарсани билувчи Зот унинг танасига терморегуляторни, яъни, иссиқликни гавдага бир маромда тақсимлаш хусусиятини жойлаган. Шу сабабли ит узок юурса-да, терламайди. Инсон эса, бир оз тез юрса ҳам, терга ботади. Карангки, итларда тер ажратувчи безлар йўқ экан. Қандай қилиб улар терлаб кетмайди ва баданида бир хил ҳароратни нима ҳисобига сақлаб тура олади?

Сабаби, итнинг нафас олиш аъзолари махсус тартиб асосида ишлайди. Кун исиганида итнинг гавдаси ҳам қизийди ва иссиқликни ҳайдаш учун тилини осилтирганча тез-тез нафас ола бошлайди. Бунда намликнинг ҳаммаси ит тилининг юзаси орқали тезда буғланиб кетади ва пировардида унинг бутун вужуди совий бошлайди. Ҳатто жазирамада ҳам, бутун танаси жун билан қопланганига қарамай, итни тер босмайди.

Аллоҳ таоло итларга шундай ажиб хусусият бахшида этганки, агар ит ҳозирги офтоб тифида узлуксиз бир неча соат қолса ҳам, терламайди. Мана энди, итлар кун қизиган маҳалда тилини осилтириб нафас олишининг сабабини билиб олгандирсиз. Итларнинг жунни майин бўлади. Маълум бўлишича, бу майинликни улар танасидаги кўплаб ёғ безлари ҳосил қилар экан.

Итлар танасида инсонларда бўлмаган махсус ҳимоя тизими борлиги сабабли қанча кўп югуриб-елмасин ва ер кавламасин, панжалари ҳеч қачон лат емайди, шилинмайди, тирноқлари ўтмаслашмайди.

Кўряписизми, Парвардигоримиз бутун борлиқни уйғунликда ва муфассал барпо этган. Ҳайвонларни барча зарур қобилият, шу жумладан, махсус ҳимоя аъзолари билан ҳам таъминлаган. Бундай мукамал яратилган мавжудотлар бизни уларнинг Яратувчиси Аллоҳ таоло нақадар улуғ, ҳамма нарсага қодир Зот экани ҳақида ўйлашга ундайди.

Раҳматуллоҳ ДОНИЁР
тайёрлади

